O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **6** октябрь, жума № **40** (2167).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **6** октября, **2006** год, № **40** (2167).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена свободная

Дунёда «Ватан» сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқдир.

Ислом КАРИМОВ

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИ: 9 ОЙ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг жорий йил 9 ойидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ҳамда устувор давлат дастурларини бажаришга, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича салкам 415 миллиард сўмлик (2005 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 138,3 фоиз ўсиш), жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 383,4 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасида 31,5 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури, инвестиция дастурининг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуи таркибига кирувчи идораларда 2006-2007 йиллар кузги-қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг соҳалар фаолиятига оид қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг сифатли, тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, жорий йил тўртинчи чораги иш режаларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда идоралар томонидан тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва экспорт режаларини ошириб бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.

Умидим, ишончим, қалқоним, болам!

Тимур КАРИМОВ суратга олган.

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Мингбулоқ туманидаги Жумашуй ғишт заводи жамоаси ҳам "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ғишт заводи ҳузуридаги қурилиш бригадаси ишчилари бу йил Гўртепа ва Мулкобод қишлоғидаги умумтаълим мактабларини капитал қайта таъмирлаш ишларида фаол иштирок этди. Корхона кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда.

●

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бир юз эллик минг нафарга яқин пенсионер ва қарияга ғамхўрлик қилмоқда. Жамғарма ходимлари айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож, мустақил ҳаракатлана олмайдиган кекса ёшдаги ногиронларга катта эътибор бермоқда. Жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари ҳузурида қонунчиликда пенсионер ва фахрийлар тўғрисидаги янги ўзгаришларни тушунтириш, ижтимоий муҳофаза, ёшлар билан ишлаш, мураббийлик каби йўналишларда фаолият юритувчи гуруҳлар ташкил этилди.

●

Саккиз минг гектар майдонда ғўза парваришлаган Чиноз тумани пахтакорлари давлатга қарийб 22 минг тонна пахта топшириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини адо этди. Бу улкан хирмонга тумандаги 600 дан зиёд фермер хўжалиги салмоқли улуш қўшди. Ҳосилнинг 70 фоиздан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келди. Айни пайтда туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 33 центнерни ташкил этмоқда.

●

Дўстлик туманида балиқни қайта ишлайдиган хорижий корхона иш бошлади. Туркиянинг «Sahlanlar Gida San ve Tic LTD Sti» компанияси зарур миқдорда инвестиция киритиб, йилига 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган «Fora Seafoods» корхонасини барпо этди. Айдар-Арнасой кўлларида овчилик билан шуғулланаётган ижарачи балиқчилар корхонага шартнома асосида балиқ етказиб бераётир. Махсус ишловдан сўнг тайёр ҳолга келтирилган маҳсулот идишларда қадоқланиб, сотувга чиқарилади.

●

«Навоийулгуржисавдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Навоий-Мермер-Даш» Ўзбекистон-Туркманистон қўшма корхонаси иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бораётир. Қўшма корхона раҳбари Фарҳод Каримовнинг айтишича, ўтган йили бу ерда 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг бир ярим баравар ортиши кўзда тутилган.

(ЎзА материаллари асосида тайёрланди).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МАҚОМИ ЮКСАКДИР ПОСБОННИНГ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Қонунга биноан жойларда ҳоким ўринбосарлари чақирув комиссияларининг раислари этиб тайинланиши чақирувнинг сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси шундаки, чақирув комиссияси таркиби асосан давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат. Масалан, «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» каби ташкилотларнинг вакиллари чақирилувчиларни саралашда иштирок этиши адолатли қарор қабул қилинишида муҳим мезон. Демак, юрт ҳимоясига отланган фарзандларини кўпроқ жамоатчилик вакилларининг ўзи танлаб, саралаб олади, дегани бу.

Хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятига борганимда мудофаа ишлари бошқармаси чақирув комиссиясининг иш жараёни билан танишдик. Комиссия иш олиб бораётган бино шинамлиги, зарур барча жиҳозлар билан таъминлангани дарҳол эътиборни тортади. Айниқса, тиббий асбоб-ускуналар. Тиббий комиссия катта врачи олий тоифали жарроҳ Қуддус Сулаймонов бизга қуйидагиларни сўзлаб берганди:

–Ўзингиз яхши биласиз, ҳар томонлама баркамол ўғлонларимиз юрт ҳимоясига йўл олиши биз шифокорларга ҳам боғлиқ. Айниқса, ислоҳотлар сабаб чақирувга, муддатли ҳарбий хизматга эътибор ортиши бизлардан ишимизга янада масъулият билан ёндашишни талаб этяпти. Шунинг учун комиссия таркибида асосан биринчи тоифали врачларимиз иш юритяпти. Шифокорларимиз ҳар икки йилда бир бора олий аттестация комиссиясидан ўтишади.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ЎЗИНГ БУЮК УСТОЗ, БУЮК МУАЛЛИМ

Биргина болага панд-насиҳат қилиш, илм ўргатиш, унга оқ-қорани, яхши-ёмонни танитиш учун киши анча тажрибали, билимдон, ақлли, заковатли бўлиши керак. Ана ўшанда у устозлик мартабасининг энг қуйи поғонасига бироз яқинлашади. Ўнлаб, юзлаб, минглаб шогирдларга сабоқ бера оладиган, илмига амал қиладиган фидойи шахсларнинг даражаси эса жуда юқори. Биз уларга ҳурмат-эҳтиром билан муаллим, устоз, олим, уламо деймиз. Аммо бутун бир миллатни тарбиялайдиган, донишларга намуна бўладиган, дунё халқларини илму урфон водийсига етаклайдиган, зиё нурига буркайдиган даҳоларни, алломаю мутафаккирни қандай улуғлаш, қандай эъзозлаш мумкин?!

Бу ҳолда биз бор меҳримиз, ҳурматимизни икки сўзда жамлаб буюк устоз, буюк муаллим десак, асло муболағa бўлмайди. Шукрлар бўлсинким, дунё тамаддунида, фан ва маданиятида даврлар яратган бундай юксак мақом эгалари аждодларимиз орасида жуда кўп. Уларнинг бебаҳо меросини такрор-такрор ўрганиш миллат фарзандларининг комил инсон сифатида шаклланишида, илм билан зийнатланишида, ўзлигини англаб иймон-эътиқоди, руҳий-маънавий куч-қуввати ошишида улкан аҳамият касб этади.

Бизга инсонлик мақомини жуда баланд тутиш, бутун иллатлар, гуноҳлар уяси бўлмиш жаҳолатга қарши илм, тафаккур билан курашиш кераклигини кўрсатиб қўйган буюк ота-боболаримиз – ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби қомусий олимларимизнинг ҳаёти ва ижоди эса бунга яққол далилдир.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ АСЛ ЙИГИТЛАР

Кузги чақирув мавсуми қизғин кетаётган айни шу кунларда вилоят, шаҳар, туманлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида, чақирув пунктларида жисмонан, руҳан, маънан етук йигитлар сараланиб, Қуролли Кучлар сафига тантанали равишда жўнатилмоқда. Ҳа, ҳарбий хизмат қилишга, мустақил юртни муносиб ҳимоя қилишга иштиёқи баланд ўғлонлар аскарлик либосларини эгниларига кийишиб, ўзларига билдирилган ишончни юракдан ҳис қилган ҳолда ўз бурчларини ўташга киришмоқдалар. Айниқса, ота-оналарнинг, ёру дўстларнинг ҳаяжонини айтмайсизми?!

Ҳар бир ўғлон борки, йигит бўлиб армия сафларида хизмат қилишни ўзи учун шараф деб билади. Аскар бўлишни истайди. Аскар ким?

Аскар бу – ўн саккиз ёшга кирган, билаги кучга тўлган, дупёқараши кенг, билимдон Ватанимизнинг асл ўғлони.

Аскар бу – юртимиз тинчлигининг, халқимиз осойишталигининг қўриқчиси.

Аскар бу – ҳушёрлик, сезгирлик, огоҳликни ўзига қурол қилиб олган Ватан ҳимоячиси.

Бугун метин сафлардан мустаҳкам ўрин олишга отланган ўғлонларимиз буни жуда яхши тушунишади, юракдан ҳис этадилар.

Армияни ҳаёт мактаби, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Қуролли Кучларимизнинг сафига келиб қўшилган ҳар бир йигит бир йил давомида нафақат жисмоний жиҳатдан, шу билан маънавий жиҳатдан ҳам камол топади. Энг муҳими, бир касбнинг эгаси бўлади. Эгаллаган касби хизматдан сўнг халқ хўжалигида ҳам асқотиши мумкин. Истаса, ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлайди. Ўқишга кирмоқчими? Марҳамат. Бунинг учун ҳам имтиёзлар бор. Аъло хизмат қилиб, Тавсияномани қўлга киритса, тест синовларида тўпланадиган энг юқори балларнинг йигирма беш фоизи миқдоридаги имтиёз ҳуқуқига эга бўлади.

Инсон камолотида илм эгаллаш, илмий дунёқарашни шакллантириш, ақлий салоҳиятни ривожлантириш, жамият тараққиётида ўз ҳиссасини қўшиш улуғ фазилатлардан саналади. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўғлонларига тўғри тарбия бериш орқали одобли, илмли қилиб, касб-ҳунар ўргатиб, уларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаб бориши зарур. Зотан, алломаларимиздан Абу Наср Форобий инсон ақл-заковати хусусида фикр юритиб бундай дейди: «Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда тушуна оладиган, унинг маъносини англайдиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрнинг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин». Гап, онлада болани ақлан етук қилиб тарбиялаш ҳақида борар экан, демак, бизнинг бўлажак ҳимоячиларимиз ҳам мушоҳадали, зийрак ва сезгир бўлишлари шарт.

Ишонамизки, ўғлонларимиз Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчларини аъло даражада ўтаб, ота-оналари бағрига ёруғ юз билан қайтадилар!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ЗАМИННИ ЗАРЛАРГА БУРКАГАН САНЪАТ

Ўзбек миллати қадимдан ўзининг бетакрор санъати ва маданияти билан жаҳон саҳнида эътироф топиб келган. Буюк Ипак – қадим карвон йўли орқали дунё бозорларини забт этган миллий санъатимиз турлари шу кунга қадар ўзининг бебаҳо қимматини йўқотган эмас. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий маданиятимиз ўз аксини топган ҳар бир соҳа яна жаҳон билан юзлашди. Бу – ривожланиш, юксалиш демакдир. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари фикримиз исботидир. «Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда». Айни дамда дунё эътирофига лойиқ бўлаётган мана шундай соҳалардан бири безак санъати тури ҳисобланмиш зардўзликдир.

Зардўзлик амалий санъатнинг тилла ва кумуш суви юритилган зар ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Бунда бахмал, шойи, мовут, чарм ва бошқа турдаги матоларга зардўзи усулида кашта (гул нақш, тасвир) тикилади. Каштада баъзан металл, тош, шиша мунчоқлар ҳам ишлатилади.

(Давоми 8-бетда).


3 МЕЖДУНАРОДНОЕ ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО
БОРОТЬСЯ С ТЕРРОРОМ СООБЩА

4 СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ
КАСБИГА ИХЛОСИ БАЛАНД

5 МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ
ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТ БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

9 ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА
«ҲИМОЯ ВА ҚУТҚАРУВ – 2006»

ПРИЗЫВ-2006

СЛУЖИТЕ ВЕРНО, СЫНОВЬЯ!

Вчера на сборном пункте Управления по делам обороны Ташкентской области состоялись торжества по случаю отправки в ряды Вооруженных Сил новобранцев осеннего призыва. Они стали наглядным проявлением единства армии и народа, нерушимости традиций патриотизма и верного служения Отчизне.

Митинг, посвященный этому событию, открыл подполковник Бахтиер Ибрагимов. Затем перед призывниками и их родственниками выступили: заместитель хокима города Алмалыка – председатель городского комитета женщин Мухаббат Дусметова, ветеран Второй мировой войны генерал-майор в отставке Абдулла-ата Артыкбаев, председатель совета женщин Пограничных войск старший сержант Халида Ульмасова, мать призывника из Зангиатинского района Гульбахор Бердиева. Они пожелали посланцам столичной области достойно и верно служить Родине, исполнить свой сыновний долг и благополучно возвратиться домой.

Ответное слово от имени уходящих в армию новобранцев взял уроженец Бостанлыкского района Ербол Каскаев, завершивший собравшихся от имени своих товарищей, что посланцы Ташкентской области не посрамят чести, порадуют родных и близких отличной воинской службой.

Как только отгремела музыка оркестра, призывников пригласили на праздничный обед. Старательно выглядывает в строю одинаково одетых в красивую спортивную форму новобранцев своего сына Азиза Жалил-ака Абдусаттаров. Отец солдата приехал из поселка Ниязбаш Янгиюльского района, чтобы проводить в армию старшего сына.

–Азиз очень мечтал о воинской службе, – говорит Жалил-ака. – Занимался боксом, закончил медицинский колледж. Думаю, что все эти знания и навыки ему пригодятся во время службы.

Приехал проводить брата и младший сын Улугбек. Он недавно окончил Республиканский правовой лицей в Фергане и мечтает стать офицером. А мама Ерлана Курмангалиева из поселка Мингчинор Куйичирчикского района, Жиенгуль-апа, привезла с собой младшую дочку. Взяв на руки сестренку, Ерлан еще крепче стал осознавать то, что теперь ему доверено оберегать мир и покой своих близких, родного очага.

Плотным кольцом окружили призывники майора Жениса Бекчанова. Офицер-воспитатель с удовольствием отвечает на все вопросы о предстоящей службе, об условиях в части.

– Качество призывного контингента за последнее время значительно возросло, – говорит младший сержант Элер Усманов. – Во время бесед с призывниками мне не раз приходилось убеждаться в том, что ребята с большим желанием идут служить в армию, имеют довольно подробное представление о предстоящей службе.

Интерес проявляют не только сами призывники, но и их родители. Вот и мама Максима Красильникова внимательно расспрашивает у младшего сержанта Шарофитдина Ташматова о том, каковым будет его рацион питания, какие условия в спальных помещениях. Рассказывая ей обо всем подробно, сержант не забывает пригласить мать новобранца на предстоящие торжества по случаю принятия Военной присяги. И то верно, лучше один раз увидеть, чем сто – услышать. К тому же, такое событие, как клятва верности Родине, приносимая парнем однажды и на всю жизнь, заслуживает того, чтобы в нем участвовали самые близкие люди.

Майор Баходир УТАНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

ВЫСОКАЯ ЧЕСТЬ

На сборном пункте Кашкадарьинской области состоялись торжественные проводы. По сложившейся традиции преддверием торжествам стал митинг. Новобранцам слова напутствия высказали представители местной власти, государственных и общественных организаций, приглашенные родители. Выступившие подполковник Мунаввар Эгамназаров, представитель областного хокимията Маматкул Раджабов, Абдулла Бердиеров (областное отделение ОДМ «Камолот») отметили, что кашкадарьинцы с честью исполнят свой гражданский и сыновний долг.

Сегодня служба в армии является престижным делом для каждого гражданина нашей страны. И для этого есть веские причины. Прохождение срочной службы в Вооруженных Силах страны позволяет, помимо освоения военных специальностей, сформироваться молодым людям и физически, и духовно. У них формируется цельность характера, твердая жизненная позиция.

В завершение митинга призывникам были вручены подарки, затем все расселись за празднично накрытым дастарханом.

– Успешно прошел конкурсный отбор, удачно сдал тестирование, хорошие результаты у меня и по физической подготовке, – делится Эльдор Каюмов из Китабского района. – До призыва в армию получил в профессиональном колледже специальность автослесаря. Надеюсь, эти навыки пригодятся во время службы.

У Майрам Раимовой из кишлака Тукбой Камашинского района слезы радости на глазах.

– Никогда бы не подумала, что с такими почестями проводят наших сыновей на службу в армию, – говорит она. – У меня шестеро детей, Махсуд – младший сын. Когда пришла повестка из отдела по делам обороны, его радости не было конца. Ведь он с малых лет мечтает стать военным.

Сын жителя Касанского района Ҳортоша Раупова будет служить на границе.

– Через месяц обязательно поеду к Жобиру на торжества, посвященные принятию Военной присяги, – говорит он.

Концертная программа, организованная мастерами искусств области, придала торжественным проводам атмосферу большого и важного праздника. Этот день у ребят останется в памяти навсегда. А в предстоящий год им необходимо будет пройти настоящую школу мужества и вновь вернуться к родным очагам, чтобы все силы направить на претворение в жизнь своих помыслов.

Зухра ОЙМАМАТОВА.
Специально для «Ватанпарвара».
Фото **автора.**

СИНОВ МАЙДОНИДА САМАРҚАНД ЎҒЛОНЛАРИ

Айни дамда юртимиздаги барча вилоят мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бўлажак Ватан посбонларини ҳарбий хизматга саралаш, тайёрлаш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Шарафли хизматга лойиқ бўлиш учун астойдил бел боғлаган йигитларни синов майдонида саломатлиги, интеллектуал салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги каби турли йўналишдаги ўзига хос имтиҳонлар кутмоқда. Аслида бу ўғлонлар вилоят мудофаа ишлари чақирув пунктига етиб келгунга қадар маҳалла фуқаролар йиғини, ҳудуд нозирлари билан ҳамкорликда ўтказилган бир қатор текширувлар ва туман мудофаа ишлари бўлимидаги синовлардан ўтиб, сўнгги поғонага йўлланма олишган.

Биз Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Иркин Абдураҳмонов билан учрашганимизда туман мудофаа ишлари бўлимларидаги умумий аҳвол ва чақирув жараёнлари билан қизиқдик.

– Вилоятда ўн бешта туман бўлиб, ундаги ҳар бир мудофаа ишлари бўлимларига йилдан-йил катта эътибор қаратилмоқда, – дейди бошқарма бошлиғи янгиланишлар ҳақида тўхталар экан. – Ўтган давр мобайнида Самарқанд, Булунғур, Оқдарё туманидаги мудофаа ишлари бўлими бинолари замон талаблари асосида қад ростлаган бўлса, айни дамда Жомбой, Ургут ва Пастдарғомдаги чақирув пунктлари янги типда қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, чақирув пунктларини шу куннинг талабига мос жиҳозлашга эришилди ва бўлажак Ватан посбонларини муддатли ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга танлаш ва саралаш жараёнларини ўтказиш учун энг тажрибали мутахассислар жалб этилди. Бошқарма чақирув пунктида амалга ошириладиган сўнгги синовларда эса ҳар томонлама етук йигитлар иштирок этаяпти. Ишонаманки, самарқандлик ўғлонлар хизмат синовларида фақат олдинги сафда бўлишади.

Ишонч билан айтилган бу сўзларда жон бор, албатта. Чунки вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи подполковник Наврўз Қултоев билан чақирув пунктида бўлганимизда бунга биз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Сўнгги босқичдан ўтиш учун синов ва тиббий текширувларга шай турган ўғлонларга эътибор бераман. Бирбиридан норғул, ўктам ва қатъиятли.

– Кўриб турганингиздек, булар юртимизнинг энг сара ўғлонлари. Уларни хизматга танлаш ва саралаш жараёнларини биз жуда эрта бошлаганмиз, – дейди чақирув бўлими бошлиғи саволларимизга жавоб берар экан. – Йилдан-йил йигитларимизда муддатли хизмат қилишга иштиёқнинг ошиб бораётгани барчага маълум. Аввало улар дастлабки босқичда, яъни чақирувга қадар маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ички ишлар ходимлари, «Камолот» етакчилари билан биргаликда олиб борилган текширувлардан ўтишларига тўғри келади. Бунда уларнинг оилавий аҳволи, улғайиш жараёнидаги феъл-атвори, маънавий етуклиги ҳисобга олинади, албатта. Шундан сўнг ҳокимлик вакиллари билан тузилган режага асосан чақирувга тайёрлаш бўйича фаолият бошланади. Яъни чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан биргаликда маҳалла қўмиталарида суҳбатлар ўтказилади. Ёшларни муддатли ва сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга саралаш ва тайёрлаш бўйича подполковник Ҳикматулло Шодиев бошчилик қилаётган Самарқанд, майор Равшан Астанов етакчилигидаги Булунғур, майор Шавкат Орипов хизмат юритаётган Нуробод, офицер Ўктам Исмоилов бошчилигидаги Жомбой ҳамда офицер Равшан Шербоев етакчилик қилаётган Пахтачи туман мудофаа ишлари бўлимлари олдинги сафни эгаллаб келишмоқда. Биз мудофаамиз қудратини юксалтириш учун Қуролли Кучларимиз таркибига етук посбонлар саралаб беришда бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Имкониятлар ҳақида сўз кетар экан, бошқарма чақирув пунктидаги шароитлар ҳақида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Бу ерда яқиндагина таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигини сезиш қийин эмас. Бу ҳолат ҳовли саҳнидан тортиб бино ичларига қадар кўзга ташланади. Айниқса, бўлажак Ватан посбонларини тиббий кўрикдан ўтказиш хоналарига жиддий эътибор қаратилган. Энг асосийси, хоналар сўнгги русумдаги тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган ва олий тоифадаги етук шифокорлар саралаш жараёнида иштирок этишмоқда. Тўққиз йўналиш бўйича тиббий текширув олиб борадиган шифокорлар гуруҳига малакали жарроҳ Саидаҳмад Абдусаматов етакчилик қилмоқда. Биз тиббий текширув жараёни билан яқиндан танишув давомида ҳарбий хизматга интилиб турган ўсмир ёшлар орасида қайси бир касаллик кўпроқ учраши билан қизиқдик. Бу ошқозон-ичак касалликлари бўлиб, унинг олдини олиш ва даволаш бўйича тиббий комиссия аъзоси, ошқозон-ичак касалликлари етук шифокор-эндоскопист Сирожиддин Узоқовни суҳбатга тортдик.

– Ўсмир ёшларда учраб турадиган ошқозон шамоллаши – яллиғланиши асосан овқатланиш тартибига риоя қилмасликдан келиб чиқади. Бунинг олдини олмаслик эса ошқозон ярасига олиб келиши мумкин. Шунингдек, гановул қилинадиган овқат таркибида витамин ва оқсиллар меъёрда бўлиши лозим. Касалликни келтириб чиқарувчи омиллардан яна бири шубҳасизки, спиртли ичимлик ва чекиш маҳсулотларидир. Соғлом улғайишни, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишни истаган ҳар бир ўсмир бундан албатта тийилиши лозим. Ошқозон яраси билан оғриган йигитлар ҳарбий хизматга лойиқ топилмайди. Ошқозон шамоллаши–яллиғланиши учраганда эса, даволаш чораларидан сўнг қайта эндоскопия қилиниб, хизматга олиниши мумкин.

Синовлардан муваффақиятли ўтиб, хизматга шай турган бўлажак посбонлар – Умид Бекмуҳамедов, Элдор Азимуродов, Иномжон Исломов, Сардор Мамадалиев, Эргашбек Худойбердиевлар билан суҳбатлашамиз. Вилоятнинг турли туманларида вояга етган, кўзларидан ўт чақнаб турган бу ўғлонлардан айни дамда бахтлироқ инсон бўлмаса керак. Чунки улар шарафли бурч остонасида туришибди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилояти мудофаа ишлари чақирув пунктида кузги чақирув жараёни юксак талаблар даражасида олиб борилмоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сенинг ўғлонларинг, Ўзбекистон!

ОСМОНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНИ

Самонинг чеккаси очилиб, Шарқ тарафдан аста-секин шафақ бўй чўзди-ю, туни билан чарақлаб турган юлдузлар бирин-кетин беҳолгина милтиллаб ўча бошлади. Зум ўтмай шоир айтган гўзал ташбеҳ соҳибаси – «табиатнинг мармар танли, гул сочли эрка қизи тонг ҳам оқариб келиб қолди». Борлиққа ҳаёт акси югуриб, яна чор-атрофда ҳаракат қайнай бошлади. Сокин оқшом осуда ором оғушида осойишта тин олган меҳнаткашлар бири ишга, яна бири ўқишга йўл ола бошлашди. Тинч ва гўзал ҳаётдан кўнгиллар қувонч ҳиссини туйиб, қалбларда шукроналик туйғуси тўлиб-тошди.

Заминдаги бу каби хатти-ҳаракатларнинг акси ўлароқ улуғвор самони парвоз этаётган ҳар хил учоқлар турли тарафга кесиб ўтиш билан ўргимчак тўрига ўхшатиб ташлагандек. Бундан ташқари, ҳавода яна кўплаб ҳаракатлар борки, уни оддий кўз билан илғаб олиб бўлмайди. Айниқса, тунда самода ҳаракатланаётган объектнинг тўлиқ шакл-шамойилини аниқлаб олиш мушкул. Баъзан булутлар халақит берса, гоҳида уни тоғлар тўсиб қўйиши мумкин. Фақат замонавий аппаратуралар ҳамда билим ва малаканинг етуклиги бу ерда қўл келади. Шу боис зиммаларига еру осмонимиз осойишталигини таъминлашдек масъулиятли вазифа юкланган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, муқаддас Ватанимизни ёт нигоҳлардан асраб-авайлаш мажбуриятини олган шарафли касб эгалари бўлмиш посбонларимиз ҳар доим ҳушёр ва шай туришади. Улар орасида маҳорати ва заковати билан кўплаб сафдошларининг ҳурматини қозонган, соҳага чин дилдан ёндашиб, ҳарбий хизматга борлиғи билан сингиб кетган бир шерюрак офицер ҳам борки, у ҳақда қуйида мутолаа қиласиз.

Табаррук истиқлол айёмининг ўн беш йиллик тўйида бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз Фармонига биноан турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланишганидан хабарингиз бор. Улар орасида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қисмларнинг бирида хизмат қилаётган фидойи офицер Улуғбек Рустамбеков ҳам бўлиб, у ҳаво сарҳадларимиз дахлсизлигини туну кун таъмин этаётган посбонлар етакчиларидан бири сифатида юксак мукофот – «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Сўлим Андижонда таваллуд топган Улуғбек мазкур соҳага эрта меҳр қўйди. У ёшлигидан ҳарбий бўлишни дилига тукқан, бу йўлда тинмай интилиб, доимо машқ қилар ва ўқиб изланарди. Интилганга толе ёр деганларидек, унинг астойдил ҳаракатлари бежиз кетмади. Ёш ва навқирон Улуғбек айни гуллаган пайтида Вильнюс олий қўмондонлик билим юртига ўқишга қабул қилинди.

Курсантлик даври ҳаётида ўчмас из қолдирди, чунки бу ерда бўлажак сардор ҳар тарафлама билим ва кўникмасини мустаҳкамлади, кўп нарса ўрганди, ўзига ишончи ортди. Хуллас, ҳақиқий командир бўлиб етилди.

Юртимиз мустақилликка эришган тарихий онлар Улуғбекнинг ёш офицер сифатида хизматни илк бошлаган даврига тўғри келарди. Ўшанда Кавказ минтақасида хизмат қилаётган офицер истиқлол эпкини эркин эса бошлаган Ўзбекистонда миллий кадрларга эҳтиёж ғоят юқори эканини, ўз ўрни, тақдири, тарихи, келажаги ва бутун борлиғи ана шу туғилиб ўсган она тупроғи билан чамбарчас боғлиқлигини ҳис қилди-ю, тезда она диёримизга қайтди. Қуролли Кучларимиз сафларига қабул қилиниб, масъулиятли вазифалардан бирига тайинланган сардор таъмирлаш батальони усталари бошлиғидан – қисм командирининг ўринбосари вазифасигача бўлган улкан ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ўшангача у турли гарнизонларда ва вазифаларда хизмат қилди. Хизматда ва ҳаётда кўплаб муваффақиятларга эришди. Қўйилган топшириқни чин кўнгилдан, сифатли адо этиши, дўстларга меҳрибон ва садоқатлилиги, белгиланган вазифаларга тегишли мутахассисларни тўғри танлаб тайинлаши-ю, зарур аслаҳаларни тузатиш ёки таъмирлаш ишларига бевосита раҳбарлик қилиши, одамлар билан ишлай олиши, ташкилотчилик, етакчилик қобилияти ва бошқа барчабарча ибратли фазилатлари унинг олға силжиши ва юқорига кўтарилишида омил бўлган асосий жиҳатлардан саналади. Офицер Улуғбек Рустамбеков фидойи хизматлари учун «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига ўн беш йил» эсдалик нишони, кўплаб Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари билан тақдирланган.

– Офицер Рустамбеков ҳақиқатан ҳам ўз касбининг устасидир, – дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Шавкат Пардаев. – Айнан унинг хизматлари билан қурол-яроғ ҳамда жанговар техникаларимизда сифат ўзгаришлари, шайлик суръати кескин ўсди. Ҳозир барчасини талаб даражасида, деб бемалол айта оламиз. Илгари ҳам шу имконият бўлса-да, кўрсаткич бу даражада эмас эди. Рустамбековнинг алоҳида фазилати шундаки, ҳар қандай вазиятда топширилажак юмушларга шай туради. Масалан, узоқ гарнизондаги жанговар техникани тузатиш керак бўлди дейлик. Куюнчак раҳбар сифатида Рустамбеков шахсан ўзи ўша ёққа сафарга отланади. Бориб ўша техникани тузатиб, равон ишлашини йўлга қўйгач, хизмат жойига қайтади. Улуғбекдек асл йигитларимиз бор экан, ҳаво сарҳадларимиз дахлсизлиги тўлиқ таъминланади, ҳар қандай ҳаракатланувчи жисм, ҳатто қуш ҳам унинг сезгир нигоҳидан қочиб қутулолмайди, – деди тарбиячи офицер фахр билан.

Шу ўринда унинг муваффақиятларга эришишида жуфти ҳалоли, ҳарбий хизмат машаққатларини биргаликда тортиб юрган умр йўлдошини ҳам эсламасдан бўлмайди, албатта. Улуғбекнинг ўз оиласидан кўнгли тўқ, шу боис хизмат сафарларида кўнгли бўлинмайди. Унга ҳаётда ҳам, хизматда ҳам елкадош бўлиб юрган севимли рафиқаси Дилнавозхон ҳақида икки оғиз: шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилнавоз Рустамбекова ҳам хизмат, ҳам турмуш масъулиятини нозик гарданига олиб, уни бемалол уддалаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Улуғбек билан Дилафрўз ҳамда Гулчеҳра исмли ширингина фарзандларни вояга етказишяпти. Бахтиёр ота-она гўзал қизалоқларига қараб, келажак давомчиларини, эртанги кун умидларини кўришади.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНОЙ СЕДЬМОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

На огневой позиции батарея БМ-21. Снаряды М-210Ф (индекс 9М22У), взрыватель МРВ-У. Стрельбу предполагается вести на дальность 8 км с большим тормозным кольцом, направление стрельбы 20–00.

Метеонаблюдатель доложил: дирекционный 35–00, скорость 5 м/сек.

Рассчитать поправки в прицел и угломер на АУТ, если скорость и дирекционный угол ветра определялись с помощью ДМК.

ЗАДАЧА № 2

Основному орудию придано основное направление стрельбы 45–00 по шкале КУРС курсопрокладчика. С помощью гирокомпаса определен дирекционный угол оси машины альфа оси = 43–16. Старший офицер батареи подал команду «Основному. Отметиться по визиру» и принял доклад «Основной, по визиру 54–47»; перекрытие визира навел в панораму и по визирному кольцу и барабану определил отсчет 7–42.

Подать команду на исправление основного угломера.

ЗАДАЧА № 3

Подать команду на открытие огня на ослепление, если известно: дальность исчисленная цели 6400 м, доворот исчисленный ОН + 0 – 60, фронт цели 500 м, огневой налет 10 минут.

ЗАДАЧА № 4

Дивизион 122-мм ГД-30 (позывной «Бурон») развернут в боевой порядок. Координаты и позывные ОП:

1-я батр: «Байрок», X = 25125, У = 66910, Н = 80 м;

2-я батр: «Кулик», X = 24150, У = 67800, Н = 60 м;

3-я батр: «Майдан», X = 23200, У = 68650, Н = 40 м.

Дирекционный угол основного направления стрельбы 40–00.

Суммарные поправки для заряда уменьшенного в основном направлении на 6, 8 и 10 км для:

1-й батр.: +180, +0–02; +260, +0–04; +320, +0–07;

2-й батр.: +150, –0–01; +170, 0; +200, +0–02;

3-й батр.: +210, –0–06; +290, –0–08; +380, –0–10.

За командира дивизиона подать команду для подавления артиллерийской батареи буксируемых орудий в окопах, цели 101-й, X = 19650, У=59300, Н=110 м. Фронт 180 м. Огневой налет.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ШЕСТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Дирекционный угол и ориентир равен 7–87.

ЗАДАЧА № 2

«Кулок». «Сопровождать. Темп 60. Я «Арал».

«Кулок», «Дархон». «Внимание, стоп».

«Арал», стой». Зарядить. Цель 51-я, колонна автомобилей. Осколочно-фугасным, взрыватель осколочный. Расход 144 снаряда. Я «Арал».

«Кулок». Точка встречи: 44–39, 7616. Полетное 32 секунды. Я «Арал».

«Арал». Огонь.

«Кулок», «Чинар». По цели 51-й огонь открыл.

«Арал». Дальность больше 240, левее 0–10.

«Арал». Огонь. Стой, записать цель 51-ю.

ЗАДАЧА № 3

1. Определяем общий расход снарядов (1 бк х Нор.) = 80х18 = 1440.

2. По дальности 6 км определяем заряд = 4. На данном заряде за 40 мин. одно орудие может произвести 110 выстрелов, т.е. дивизион запланированное количество снарядов израсходовать может.

3. Округляем общий расход 1440 снарядов до количества, кратного числу орудий установок, получаем 1404 снаряда.

4. При норме расхода 200 снарядов на 1 га огневые возможности составят 7 га.

ЗАДАЧА № 4

Поправка в уровень для 5-го орудия на разнобой относительно основного равна 2 тыс.

МЕЖДУНАРОДНОЕ ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

В прошлых номерах нашей газеты мы уже предлагали читателям материалы, посвященные международному антитеррористическому учению «Братство по оружию-2006» с участием военнослужащих Узбекистана и России, которое прошло в Краснодарском крае РФ. Предлагаемые сегодня новые материалы продолжают эту тему.

БОРОТЬСЯ С ТЕРРОРОМ СООБЩА

Проведенное недавно в Краснодарском крае РФ совместное международное антитеррористическое учение с участием военнослужащих Узбекистана и Российской Федерации стало красноречивым свидетельством курса, взятого на укрепление отношений стратегического партнерства между нашими странами во всех сферах, в том числе и в противостоянии «чуме XXI века» – международному терроризму. Учение наглядно показало не только высокий уровень боевой готовности участвовавших воинских подразделений, но и успешное взаимодействие по отработанным вопросам.

Завершая цикл материалов об учении, хотелось бы предварить его оценками авторитетных специалистов. В частности, командующий войсками Северо-Кавказского военного округа генерал армии Александр Баранов отметил: «Проведение совместной учебно-боевой антитеррористической операции – подтверждение искренней дружбы и добрососедства между нашими странами, имеющими многовековую историю. **И сегодня без активного участия Узбекистана и его Вооруженных Сил почти невозможно отладить систему коллективной безопасности в Центральной Азии».**

Конечно, большая и многотрудная работа по подготовке и проведению специальной операции по ликвидации незаконных вооруженных формирований заняла несколько суток и потребовала применения солидного организаторского опыта. Согласно сценарию значительная по численности, хорошо оснащенная вооружением и техникой группа «боевиков» обнаружена военной разведкой в населенном пункте под условным названием Егорово. Созданный объединенный оперативный штаб приступает к разработке плана операции по освобождению Егорова и ликвидации закрепившихся в нем «боевиков», уничтожению засевших в отдельных зданиях групп «террористов» совместными действиями подразделений Вооруженных Сил России и Узбекистана. По условиям обстановки «сине» (так обозначили террористов) после совершения марша в район диверсий сосредоточились в Егорове, организовали охранение. «Северные» (Россия) и «восточные» (Узбекистан) должны блокировать и уничтожить «противника».

Командующий совместной группировкой генерал-лейтенант Олег Ковалевич ставит разведывательным группам и отрядам специального назначения задачу блокировать Егорово. Начинается скрытное выдвижение групп спецназа. Разведчики рассредоточиваются, ведут наблюдение за «противником». На рубежах блокирования разведчики организуют засады на возможных путях отхода «противника».

С помощью звуковещательной станции «бандитам» предлагают сдаться. В ответ – огонь из стрелкового оружия и гранатометов. Это означает, что «террористы» должны быть уничтожены. Блокирующие населенный пункт разведчики открывают огонь на поражение, обеспечивая ввод в бой подразделений Узбекистана. Задача – овладеть поселком и уничтожить «противника». Под прикрытием бронетехники узбекистанские военнослужащие выдвигаются к поселку и на минимальном расстоянии начинают штурм зданий. Скоротечность и слаженность действий – безусловные слагаемые эффективности. Одновременно проводится зачистка поселка...

Оставшиеся «бандиты» пытаются уйти, но их автомобиль «подрывается» на мине, установленной группой минирования на возможном направлении прорыва. «Противник» спешивается. Разведывательная группа завершает уничтожение. Тем временем «раненого» разведчика эвакуируют вертолетом Ми-8 беспосадочным способом. Разведчики убывают для выполнения последующих задач в районе поиска...

Победа близка, но еще не полностью достигнута. В штаб объединенной группировки от дозора поступает сообщение о том, что в сторону Егорова выдвигается колонна грузовиков «Урал». Они плотно забиты «боевиками», спешащими на выручку своим. Получив информацию, «северные» и «восточные» решают уничтожить «банду» внезапными совместными действиями на подходе к населенному пункту. Колонна «боевиков» обнаружена. До подхода подразделений блокирования «противника» останавливают гаубичная артиллерия, звено вертолетов Ми-24 и два экипажа специального транспортного средства «Гусар». «Боевики» спешиваются, занимают круговую оборону. Вертолеты Ми-24 атакуют по целям согласно указанию авиационного наводчика. Район блокируется подразделениями специального назначения, которые перебрасываются армейской авиацией. Блокирование района завершают подразделения Республики Узбекистан. Под занавес учения в бой вводится парашютно-десантная рота ВДВ Российской Федерации. Десантники во взаимодействии с подразделениями Вооруженных Сил Республики Узбекистан завершают уничтожение «противника», пытающегося уйти мелкими группами в разных направлениях...

Начальник управления боевой подготовки Сухопутных войск генерал-лейтенант Олег Ковалевич согласно предварительной договоренности с узбекской стороной осуществлял непосредственное руководство совместным учением.

Главный результат учения – выработан единый алгоритм работы органов управления по планированию совместных антитеррористических действий подразделений Вооруженных Сил Российской Федерации и Республики Узбекистан. В значительной мере определен порядок организации взаимодействия в ходе подготовки и проведения совместных операций специальными подразделениями обоих государств. Между сторонами произошел конструктивный обмен опытом противодействия всем проявлениям терроризма, укрепился дух содружества.

Из первых уст

«МЫ НИ В ЧЕМ НЕ УСТУПАЕМ!»

Лейтенант Анвар Тошпулатов, который лишь год тому назад закончил десантный факультет Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища, готовясь к учению, заметно волновался. Однако само пройденное испытание показало, что нынешние потомки великого Амира Темура ни в чем не уступают российским братьям по оружию.

– Перед началом учения участники производили пристрелку и выверку оружия, что стало отличным поводом продемонстрировать в деле свою огневую подготовку, – рассказывает офицер. – Причем мы стреляли сначала из привезенного нами оружия, а потом из имеющегося у наших коллег. В обоих случаях результаты наших военнослужащих ничем не уступали россиянам.

Например, в споре снайперов в меткости ведения огня отлично проявил себя младший сержант Адхам Олтибоев, в стрельбе из пулемета –младший сержант Мислиддин Сатторов, а младший сержант Хасан Уринов порадовал товарищей в мастерстве владения огнеметом.

И этот задел психологической уверенности словно вдохнул новые силы военнослужащим, которые и на занятии по горной подготовке действовали превосходно. В частности, при показе элементов подъема и спуска по веревке отличился младший сержант Хуршид Дадажонов.

Если учесть тот момент, что военнослужащие Северо-Кавказского военного округа России имеют богатый опыт реального противодействия международному терроризму, достойно выглядеть на их фоне совсем не так уж и просто. Это значит, что успешно осуществляемая в наших Вооруженных Силах реформа приносит результаты.

Они названы лучшими

ВМЕСТЕ ОБУЗДАЕМ ЗЛО

Именно таким был настрой младшего сержанта Романа Мавлеева. Делясь своими впечатлениями, воин выразил твердое убеждение в том, что данное учение сыграло важную роль в борьбе наших стран против международного терроризма.

– По сценарию учения нас называли «восточными», а россиян «северными», – рассказывает Роман. – Вот только условным террористам не нашлось стороны света для обозначения, они стали «синими». И то правда, ведь у настоящих террористов нет, да и не может быть родины, в любой стороне света и любой стране мира их будут гнать и уничтожать. А наше совместное учение стало реальным вкладом в ускорение этого процесса.

Верный патриот своей страны на учении сумел полностью сконцентрироваться, показать с блеском свое умение.

Роман высоко оценил действия вертолетчиков-россиян, которые много потрудились в ходе маневров. А еще с гордостью поведал о товарищах по оружию, ни в чем не уступавших российским коллегам при штурме здания, захваченного «террористами». Этот высокий уровень выучки военного профессионала из Узбекистана по достоинству оценен руководством учения: младший сержант Роман Мавлеев награжден медалью «За укрепление боевого содружества».

Участник учения

И СВЯЗЬ НЕ ПОДКАЧАЛА

Связь не случайно называют нервом армии. Ведь без обеспечения ее надежности между подразделениями и вышестоящими штабами просто невозможно добыть победу в современном бою.

Разговор со специалистом по связи младшим сержантом Алимуродом Отамуродовым только укрепил в этом убеждении. Его подразделение выполняло нелегкую задачу по штурму захваченного условными террористами здания. Искусно маскируя суть проводимых переговоров, периодически меняя частоты, опытный мастер не только сумел обеспечить четкую и бесперебойную связь в самые напряженные моменты учения, но и обезопасить своих абонентов от возможного перехвата.

По словам младшего сержанта, все эти знания и навыки приобретены им за время учебы в школе подготовки сержантов, а затем закреплены в ходе служебно-боевой повседневной деятельности. Остается добавить, что в реальном бою такое мастерство не только поможет найти кратчайшие пути к победе, но и позволит сберечь жизни боевых товарищей.

Умелое владение самым современным оборудованием связи не только позволило нашему специалисту надежно обеспечить переговоры своих сослуживцев, но и создавало основу для качественного взаимодействия с российскими братьями по оружию, еще раз подтвердив высокую степень совместимости наших армий. Наши партнеры в очередной раз убедились: узбекистанские военнослужащие готовы к равноправному сотрудничеству.

Мнения специалистов

ПЯТЕРКА ДЛЯ СПЕЦНАЗА

Самыми неприметными на учении были разведчики. Рассредоточившись на местности, они отслеживали обстановку и своевременно докладывали о каждом изменении в штаб. Однако те, кому по долгу службы положено видеть все, очень высоко отозвались об уровне готовности подразделения из Узбекистана.

– Разведчики в ходе учения также отработали такие важные для себя темы, как организация засады, налета в горных условиях, – рассказывает один из участников офицер Улугбек Рузимов. – Так вот, мне лично довелось услышать оценку заместителя командующего Северо-Кавказским военным округом по боевой подготовке полковника Сергея Макушко. Он с явным удовлетворением подчеркнул: «Давно не видел такого отлично подготовленного спецназа!»

Весомость высказыванию придает тот фактор, что в одно время ему доводилось быть военным советником в одной из горячих точек, где война для определенной части населения давно и прочно стала основным средством существования.

Отрадно, что в мирном Узбекистане спецназ подготовлен на пятерку. Это только усиливает гарантии защиты мирного созидательного труда миллионов узбекистанцев, гордящихся своей национальной армией.

ЗА СЧЕТ ПОДАВЛЕНИЯ

В ходе данного учения был и такой эпизод, когда на помощь находящимся в кольце блокирования «террористам» на нескольких машинах пытался прорваться еще один их отряд. «Противник» был уничтожен мощным огнем. Свою лепту в это внесли и наши воины-минометчики.

По пути следования колонны машин «террористов» было произведено минирование с воздуха боевыми вертолетами Ми-24, которые обрушили на «врага» огневой вал неуправляемых ракетных снарядов. В этой канонаде четко слышалась «мелодия» посвиста мин – минометный расчет из Узбекистана поразил цели образцово.

За эту умелую боевую работу собратья по оружию благодарили расчет под командованием младшего сержанта Акима Умарова, в котором и наводчик младший сержант Анвар Рахимов и номер расчета младший сержант Акбар Хазратов действовали как единый механизм.

Производивший указание целей майор Абдулатиф Рахимов остался доволен меткой стрельбой минометчиков.

Полосу подготовил майор Аблай КАМАЛОВ, капитан Алишер БАБАХАНОВ, Тимур КАРИМОВ (фото).

СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

ИЛҒОР КИЧИК КОМАНДИР

Кичик сержант Акбар Аҳмадалиевнинг жанговар сафлардаги хизмати бошланганига яқинда олти йил бўлади. Муддатли ҳарбий хизматни чегара қўшинларида аъло тарзда ўтаган ўғлон бугунги кунда илғор сержант, етук профессионаллардан бири бўлиб шаклланмоқда. Айни пайтда гуруҳ командири вазифасида қўл остидаги аскарларга ҳарб илми сирларини моҳирлик билан ўргатиб келмоқда.

– Ҳарбий касбга ҳавасим аскарлик кезларимдаёқ янада ортганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Янада дейишимнинг сабаби, ҳарбий хизматчи бўлишни болаликдан орзу қилардим. Мана бугун орзуим рўёбга чиққанига ҳам анча йиллар бўлди. Шу вақт ичида хизматим давомида ғоят муҳим ўрин тутган жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим. Мард, ҳалол йигитлардан дўстлар орттирдим.

Акбар оилада биринчи фарзанд бўлганлиги боис масъулиятлилик ва меҳнаткашлик каби фазилатлар унга болаликдан ҳамроҳ. Отаси Ражабали ака ва онаси Ҳафиза опалар ўғилларининг ҳарбийликдек шарафли касбни танлаганини қувонч билан кутиб олдилар. Унинг юрт корига камарбаста бўлаётганидан фахрланиб, катта мақсадларни кўзлаётган ўғилларига оқ йўл тиладилар.

Хизмати мобайнида кичик сержант А.Аҳмадалиев мавсумий ўқув машғулотларида, синов ва имтиҳонларда, шунингдек, ўзининг масъулиятлилиги, талабчанлиги, интилувчанлиги ва билимдонлиги билан кўпгина ижобий натижаларни қўлга киритиши ва сафдошларига ўрнак бўлиши орқали командирларнинг назарига тушди.

– Кичик сержант Акбар Аҳмадалиев гуруҳ командири вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбий хизматчилардандир, – дейди офицер Ортиқ Муродов. – У аскарларнинг яқин ўртоғи, офицерларнинг доимий кўмакчисидир. Унинг мустақил фикрлаш қобилияти, кенг дунёқараши, машғулотларни юқори савияда қизиқарли олиб боришга интилиши ва жанговар машиналарнинг техник тавсифларини мукаммал билиши бўлинмасини илғорлар қаторига олиб чиқишига ёрдам бермоқда.

А.Аҳмадалиевга қўл остидаги аскарлар билан ишлашида ҳарбий педагогика ва психология фанларидан етарли билимларга эга эканлиги жуда асқотмоқда. Биз бунга кичик командир аскарлар билан олиб бораётган машғулотларини кузатиб, гувоҳ бўлдик. Техник тайёргарлик машғулоти вақтида аскарларни қизиқтирган саволларга аниқ, лўнда ва тушунарли қилиб жавоб берар экан, уларнинг бу соҳадан мумкин қадар кўпроқ билимга эга бўлишлари учун ҳар қандай майда механизм ва деталларгача тушунтирарди. Амалий машғулот давомида эса ҳар бир аскарнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши, қаерда қандай хатога йўл қўйишганини алоҳида таъкидлаши, керак бўлса, бу жараённи яна қайтадан тушунтириб бериши аскар ва кичик командир ўртасидаги ўзаро ишонч ва чуқур ҳурматга асосланган муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Кичик командирнинг ёшлигидан спортга меҳр қўйгани ҳам хизмат жараёнида қўл келмоқда. У спортнинг футбол, бокс, қўл жанги каби турлари билан доимо шуғулланиб боради. Намангандаги қишлоқ хўжалик коллежида ўқиган вақтларида бокс бўйича турли мусобақаларга қатнашиб, юқори натижаларга эришган. Гуруҳ аскарлари билан жисмоний тайёргарлик машғулотларини олиб боришида айнан спорт билан мунтазам равишда шуғуллангани унга катта ёрдам бермоқда. Чунки, спортнинг яккакураш турлари аскарда ғолиблик кайфиятини ривожлантирса, спорт ўйинлари эса жамоадаги жипсликка одатлантиради. Кичик сержант спорт билан бирга бадиий китоблар ўқишга ҳам қизиқади. Айниқса, тарихий асарларни севиб мутолаа қилади. Бу эса посбонларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омиллардан бири сифатида қимматлидир.

– Акбар ҳам сафдошим, ҳам яқин дўстим, – дейди кичик сержант Анвар Боймирзаев. – Унга суянса, ишонса бўлади. Мен ундан кўп нарсани ўргандим ва ўрганаяпман. Янги келган вақтимда аскарлар билан машғулотлар ўтишга, уларга ўз фикримни етказишга қийналардим. У доим машғулотларимни кузатиб, қилган хатоларимни тузатишга кўмак беради. Уни ҳақиқий профессионал деб айта оламан, мен ҳам у каби ҳарбий соҳани мукаммал эгаллашга ҳаракат қиляпман.

– Аскарлар билан ишлаш менга завқ бағишлайди, – дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. – Уларнинг ҳар бири бир олам. Гуруҳимдаги йигитларга жанговар тайёргарлик, қоровуллик хизмати, тактика, ҳарбий топография, жисмоний тайёргарлик каби машғулотларни юқори савияда, қизиқарли қилиб олиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки посбонларимиз ҳарб илмидан қанчалик чуқур билим олишса, осойишталигимиз ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Гуруҳимдаги оддий аскарлардан – Зафар Алимов отиш машғулотидан, Баҳодир Қамбаров жисмоний тайёргарликдан, Тоҳир Сатторов эса тактик тайёргарлик бўйича аъло баҳолар олиб, ёзги мавсум ўқув машғулотларида ҳам юқори натижаларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

– Кичик сержант Аҳмадалиев, – дейди взвод командири офицер Зиёдулло Шуайбов, – ўз масъулиятини яхши англайди, берилган топшириқларни, керак бўлган вазифаларни вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажаради. Ёзги мавсум ўқув машғулотларида унинг гуруҳи пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Бу албатта, кичик командирнинг билимга чанқоқлиги, тажриба ва кўникмаларга эга бўлишга интилиши мевасидир. Унинг гуруҳи кичик сержант Жаҳонгир Йўлдошевнинг гуруҳи билан мусобақадош. Ҳозир иккала гуруҳнинг ҳам имкониятлари тенг баҳоланмоқда. Барча соҳалар бўйича рақобат қизиқарли беллашувлар ила давом этмоқда. Ёзги ўқув мавсумининг якуний синовларида уларнинг хизматлари сарҳисоб қилиниб, ғолиб гуруҳ аниқланади.

Ҳарбий хизмати давомида эришган ютуқлари учун кичик сержант Акбар Аҳмадалиевга округ қўмондонлиги ҳамда ҳарбий қисм командири томонидан бир неча марта миннатдорчилик эълон қилинган, шунингдек, у Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳам тақдирланди. Ўйлаймизки, кичик сержант А.Аҳмадалиев хизматига берилган ижобий баҳолардан руҳланиб, янада катта ютуқларга эришишга ва ўзига билдирилаётган ишончни оқлашга интилиб яшайди. Унга ва гуруҳига мусобақада ғолиб бўлиб, илғорликни қўлдан бермасликларини тилаб қоламиз.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Муаллиф олган сурат.

У НЕГО ЗАБОТ НЕМАЛО

С любовью относится к выполнению своих служебных обязанностей помощник командира по материальному обеспечению сержант Ш.Атаджанов. Он часто проводит с воинами беседы, направленные на повышение бдительности, ответственности, за точное выполнение требований присяги и уставов. Такие мероприятия, считает он, наиболее действенны при условии, когда их содержание исходит из опыта учебы и службы личного состава. И поэтому все свои беседы он тесно увязывает с жизнью подразделения.

Постоянно общаясь с воинами, сержант хорошо изучил положительные стороны и недостатки каждого из них. Он систематически проверяет службу суточного наряда, наблюдает за тем, как воины несут дежурство. Кого надо – похвалит, кого и пожурит.

Но в главном сержант уверен: многие солдаты добросовестно выполняют свои обязанности, бдительны, своевременно подают команды при появлении старших начальников, четко докладывают им о создавшейся на данный момент обстановке. Знает и тех, кто и когда допускает небрежность, отвлекается на посторонние дела, неточно соблюдает инструкции. Таких он обычно предупреждает, проводит с ними индивидуальные беседы о бдительности во время несения службы суточного наряда.

– Сержант Шухрат Атаджанов проводит большую работу по укреплению воинской дисциплины, – говорит командир взвода старший лейтенант М.Абдусаттаров, – помогая тем самым мне в решении этого важного вопроса. Поучительная беседа состоялась у него с некоторыми командирами секций, вся воспитательная работа которых сводилась одно время к напоминаниям воинам о важности добросовестного выполнения обязанностей. Да и это они делали от случая к случаю. В результате подчиненные допускали серьезные ошибки в службе, нарушали форму одежды, опаздывали в строй.

Разговор не прошел бесследно. Младшие командиры стали более требовательно относиться к себе и подчиненным. И дела в секциях и во взводе в целом заметно улучшились.

– Хороший у нас помощник командира, – говорит рядовой Н.Джураев. – Строгий, но справедливый. Нравятся нам его беседы на волнующие каждого из нас темы. Говорит он всегда с жаром, слушаем мы его с интересом. И сами загораемся. Так было, когда он выступил с инициативой заняться благоустройством казармы, чтобы сделать ее лучшей в части. И мы его поддержали. Желающих потрудиться на благо родного подразделения оказалось немало. И он сумел подобрать каждому из нас дело по душе, и мы работали в свободное от службы время очень старательно. И преобразилась казарма. Нашей гордостью являются хорошо оборудованные комнаты общественно-политической информации и бытового обслуживания, подсобные помещения.

– Многогранна деятельность у моего помощника, – констатирует старший лейтенант М.Абдусаттаров. – До всего ему есть дело. Он заботится об улучшении бытовых условий личного состава, укреплении дисциплины и поддержании твердого уставного порядка. Также чутко и внимательно относится к жалобам и заявлениям воинов, проявляет заботу об удовлетворении их нужд и запросов. Важно подчеркнуть, что сержант Ш.Атаджанов умело осуществляет индивидуальный подход к воинам. Он хорошо знает каждого подчиненного. И умеет дать готовые рецепты если не на все, то на многие случаи жизни, воодушевляет подчиненных на инициативную, творческую деятельность, успешное выполнение поставленных задач.

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

КАСБИГА ИХЛОСИ БАЛАНД

Самарқандлик Жўрақул аканинг саккиз фарзандидан учтаси шарафли ва масъулиятли касб – ҳарбийликни ихтиёр этишган. Учалови ҳам ўғилдир, деган хаёлга борган бўлсангиз, адашасиз. Нодира исмли қизи ҳам акалари изидан бориб, Ватан ҳимоячиси бўлган. Яқинда эса, катта оилада қувончли воқеа юз берди. Яъни айнан Нодираси намунали хизмати, ўз вазифаси ва бурчига сидқидилдан ёндашаётгани, сафдошларига ўрнак бўлаётгани учун Мудофаа вазири томонидан эсдалик совға – қўл соати билан тақдирланди.

– Албатта, мен учун бу кутилмаган ҳодиса бўлди, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нодира Аббосова. – Юқори қўмондонлик томонидан кўрсатилган бундай эътироф, эътибордан жуда таъсирландим.

Вазифаси механик-радиотелефончи бўлмиш ҳарбий либос соҳибаси олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган. Айтиш жоизки, маълум муддат Қуролли Кучларимиз хизматчиси сифатида фаолият кўрсатган даврда ҳарбийликка меҳри, қизиқиши ва интилиши янада ортди.

Нодиранинг мардлар касбини танлаганини оила аъзолари илиқ кутиб олишди. Чунки тиришқоқ ва жонкуяр, меҳнатсевар қизнинг ҳатто бундай масъулиятли, катта жавобгарликни талаб этувчи касб сир-синоатларини, ўз мутахассислигига доир билимларни пухта ўзлаштиришига заррача шубҳа қилмади, улар. Шундай бўлди ҳам.

Офицер Ўринбой Бобоалиев командирлигидаги жамоада хизмат қилаётган сержантлар таркиби вакиласи сафдошлари орасида ҳурмат-эътиборга эга. Ахир у ўз касбининг устаси, тажрибали мутахассис, намунали ҳарбий хизматчи-да.

Хизмат юзасидан далаўқув шароитларида бўлиш, жанговар ҳаёт тарзи, анчагина мураккаб машғулотлар қийинчилик туғдирмасмикан, дея ўйладим кичик сержант билан ҳамсуҳбат бўлмасимдан олдин. Мулоқотимиз илк дақиқаларидан сўнг эса, юқоридаги саволга ўрин қолгани йўқ. Чунки унинг гап-сўзлари, билдираётган фикрлари, дунёқарашида танлаган ҳаёт йўлидан ниҳоятда мамнун ҳамда ўз касбига, вазифасига ихлоси баланд эканлиги шундоққина акс этиб турарди.

Ҳа, кичик сержант Нодира Аббосова қийинчиликларни енгиб ўтишга, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ўрганган. Зеро, барча саъй-ҳаракатлари аввало, чексиз масъулият ва меҳр билан йўғрилган. Шундай экан, натижа ҳам хизматга, меҳнатга яраша бўлади-да.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Заочная школа молодых офицеров

ЕСТЬ ТАКОЕ ИСКУССТВО – УПРАВЛЯТЬ ЛЮДЬМИ

Одной из основных проблем подготовки командного состава Вооруженных Сил Республики Узбекистан является обучение офицеров искусству управления людьми, личным составом частей и подразделений.

Командиры подразделений разных уровней постоянно сталкиваются с достаточно сложными управленческими и педагогическими ситуациями, одну из самых сложных разновидностей которых составляют **конфликтные ситуации.** Для их успешного разрешения офицеру нужны прочные психологические и педагогические знания.

Конфликты в военном коллективе, если они возникают, необходимо выявлять, когда они еще находятся в скрытом состоянии, и устранять те причины и условия, которые могут привести к ним.

Предотвращению конфликтов способствует работа, проводимая командирами и их заместителями по воспитательной работе. Это прежде всего касается постановки и направленности всей службы, боевой учебы, воинского быта в соответствии с требованиями руководящих документов, приказов и директив министра обороны, Общевоинских уставов. Важны также высокая требовательность, систематическая воспитательная работа среди личного состава. **Имеется ряд общественных институтов, инициативное руководство деятельностью которых способствует предотвращению возможных конфликтных ситуаций. На них в своей работе должны умело опираться командиры, воспитатели всех уровней и категорий. К ним относятся:**

1. Предусмотренный Уставом прием военнослужащих командиром, который обеспечивает возможность обнаружения, а следовательно, и разрешения вопросов, которые могут перерасти в конфликты.

2. Принятие жалоб и заявлений по личным вопросам, что является одной из обязанностей командиров и заместителей по воспитательной работе. Все жалобы и заявления регистрируются.

3. Служебные собрания и совещания составляют один из наиболее массовых общественных институтов, дающих возможность организовать взаимодействие. Они помогают найти и устранить слабые места в организации службы. Служебные собрания и совещания играют большую роль в сближении жизненных позиций воинов.

4. Индивидуальные беседы командиров и заместителей по воспитательной работе, проводимые со своими подчиненными, также способствуют разрешению личных и общественных проблем.

5. Опросы военнослужащих, производимые должностными лицами согласно требованиям Дисциплинарного устава Вооруженных Сил, также дают возможность устранить причины и условия осложнения взаимоотношений.

6. Суды офицерской чести – как крайняя мера. При этом важно, чтобы суды не превращались лишь в инструмент наказания, а были фактором предупреждения.

Успешное использование указанных специальных и общественных институтов для предотвращения конфликтов зависит прежде всего от подготовленности к этому командиров и заместителей по воспитательной работе. Порядок их использования регламентируется соответствующими руководящими документами.

Для предотвращения конфликтов командиры и заместители по воспитательной работе располагают также системой педагогических и административных мер воздействия.

Педагогические меры, формируя единство целей, взглядов и отношений у воинов, обеспечивают сплоченность коллектива, его нравственно-психологическое развитие, исключают конфликтные явления.

К их числу относится метод убеждения.

Цель убеждения – не только привести воспитуемого к пониманию того, что разъясняется, но и вызвать у него согласие с этим.

В предупреждении и пресечении конфликтов убеждение является главным средством.

Как показывает анализ положительной оценки воспитательной работы, **самым действенным регулятором поведения военнослужащих и взаимоотношений между ними является их идейное и нравственное воспитание,** повышение политической и правовой культуры и сознательности.

Одной из важных мер педагогического воздействия по преодолению конфликтов является обучение офицеров методике разбора практических конфликтных ситуаций. Главная цель такого обучения – подготовка офицеров к процессу обоснования и принятия решения. Вместе с тем необходимо учитывать, что конкретные рецепты на все виды и типы конфликтных ситуаций дать невозможно.

К административным мерам преодоления конфликтов следует прибегать лишь в крайнем случае, когда положение дел можно исправить только с помощью таких мер.

Основными мерами административного воздействия является перемещение, наказание и предупреждение.

При необъективном и методически неправильном использовании указанных мер конфликт может быть не только не предотвращен, но и может проявиться в более острой форме или перейти с одной направленности в другую. **В целях предупреждения, разрешения и преодоления конфликтных явлений в подразделении командиру, заместителю по воспитательной работе на основе всемерного развития идейно-воспитательной работы рекомендуется:**

– добиваться того, чтобы требования воинских уставов, присяги, приказов неукоснительно соблюдались в жизни всеми категориями военнослужащих;

– изучать состояние взаимоотношений между военнослужащими в подчиненном коллективе, выявлять реальные отношения между конфликтующими, если таковые имеются;

– к разбирательству и разрешению межличностных конфликтов привлекать членов коллектива, пользующихся доверием, не имеющих предвзятого отношения, находящихся в равных отношениях с конфликтующими, не зависящих от них ни по службе, ни морально, ни материально;

– обеспечивать объективность обсуждения ситуаций, мотивов и позиций, причин возникших противоречий;

– исключать предвзятость в изучении конфликтов, стремление оправдать одного из конфликтующих, безапелляционно признавая правильность его поведения;

– добиваться, чтобы, независимо от служебного и общественного положения конфликтующих сторон, их позиции и действия получили объективную оценку;

– при изучении существа межличностных противоречий проявлять гибкость и учитывать психологическое состояние конфликтующих, их эмоциональное состояние и т.п.;

– самым тщательным образом сопоставлять полученную от конфликтующих информацию и сверять ее с фактами;

– изучить историю и предысторию взаимоотношений, дел, поведение лиц, попавших в конфликтную ситуацию;

– в ходе беседы с конфликтующими соблюдать такт и не распространять содержание разговоров;

– правильно использовать общественное мнение по существу конфликта, для чего формировать в коллективе принципиальную позицию по отношению к нравственному содержанию межличностных взаимоотношений;

– учитывать особенности психологического склада конфликтующих и в первую очередь те, которые могут усугублять трения;

– контролировать поведение лиц, выведенных из конфликта, корректировать их поступки, побуждая к проявлению порядочности, совести, разума и т.п.;

– тщательно готовиться к выступлению по факту конфликта или к беседе с конфликтующими.

Успешность разрешения конфликтов зависит от психологической проницательности, инициативы и находчивости руководителей, их умения творчески решать межличностные проблемы.

Валерий КЛЫШНИКОВ,
полковник в отставке.
Фото из архива.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – УМРИМИЗ МАЗМУНИ

Орамизда шундай меҳри дарё, қалби қайноқ, ўз касбини жону дилдан, бутун борлиғи билан севгувчи инсонлар борки, улар ўзларининг бутун ҳаётларини севимли касблари – ёшларни, ўсиб келаётган авлодни она Ватанимизга, истиқлол ғояларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишга бағишлайдилар. Булар севимли юртимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган олижаноб, меҳрибон ўқитувчи, устозларимиздир. Улар орасида Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежида 30 йилдан ортиқ вақт ёшларга чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан сабоқ бериб келаётган устоз мураббий Ленько Николай Андреевич ҳам бор. Қуйида тажрибали устоз билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

– Николай Андреевич, аввало коллежда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ўқитилиши, унинг моддий ўқув базаси ҳақида гапириб берсангиз.

– Коллежимизда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ўқитилиши Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу фан сир-асрорларини ўрганишга ёшларимизнинг иштиёқи баланд. Машғулотлар назария ва амалиёт билан ҳамоҳанг равишда олиб борилаётгани учун ҳам ўз самарасини бермоқда. Айтмоқчиманки, биз машғулотларни нафақат синф хоналарида, балки саф тайёргарлиги майдончаларида, жисмоний тайёргарлик шаҳарчаларида, спорт заллари ҳамда ўқ отиш тирларида ташкиллаштираяпмизки, бу билан ёшлар аскарлик хизмати тўғрисида амалий кўникмаларга; таассуротларга эга бўлиб бормоқдалар.

Шу ўринда бир нарсани мамнуният билан таъкидлаб ўтгим келади. Мен коллежни тугатиб, ҳарбий хизматга чақирилган собиқ ўқувчиларимдан хатлар олиб тураман. Таътилга чиқиб келган аскарлар олдимга келиб туришади. Уларнинг ҳаммаси менга, армия хизматининг биринчи кунидаёқ коллежда олинган сабоқлар қўл келганини ва ҳарбий жамоага тезда кўникиб кетишганини хурсандчилик билан сўзлаб беришади, устозларга чин юракдан раҳмат айтишади. Ўз меҳнатимизнинг самараси, шогирдларимизнинг миннатдорчилик сўзлари бизни ўқитишнинг янгидан-янги услубларини яратишга ва ҳаётга татбиқ этишга ундайди.

Мақтанишга йўйманг-у, коллежимиз шаҳар, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган «Шунқорлар» кўрик-танловларида фаол қатнашиб, юқори натижалар қайд этганликлари учун қўлаб кубоклар, Фахрий ёрлиқ ва дипломларни қўлга киритган. Эришилаётган муваффақиятларда албатта ўқув базасининг ҳам аҳамияти катта. Ўқув синфларимиз компьютер билан жиҳозланган бўлиб, унинг ёрдамида талабалар мўлжални аниқ нишонга олиш ва автоматдан ўқ узишни ўрганиб, мерганлик сир-асрорларини эгаллашади. Автомат, қўл гранаталари, пистолет макетлари, спорт заллари ва шаҳарчалари, тир талабалар ихтиёрида. Ушбу ўқув базаси ёшлар билимини оширишда самарали хизмат қилиб келмоқда.

– Шубҳасиз, салмоқли ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Айтинг-чи, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қандай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаяпсизлар?

– Ютуқларимизни ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Коллежимиз мудофаа ишлари бўлими билан узоқ йиллардан бери самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бўлим офицерлари талабалар ҳузурига тез-тез келиб, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб туришади. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар, янги ҳарбий техникалар, қурол-яроғлар ва аскарлик хизмати ҳақида сўзлаб беришади. Бунинг натижаси ўлароқ, йилдан-йилга талабалар орасида ҳарбий хизматга бўлган иштиёқ ўсиб бормоқда.

Бундан ташқари, гарнизондаги ҳарбий қисм билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Иккала томон келишувига асосан ҳар ойда икки марта биз талабалар билан ҳарбий қисмга ташриф буюрамиз. Қисм офицерлари, сержантлари талабалар билан саф, жисмоний, ўқ отиш, тактик тайёргарликлар, фуқаро мудофааси, тиббиёт асослари, Умумҳарбий низомлар бўйича машғулотларни ўтишимизда бизга яқиндан амалий ёрдам кўрсатишади. Бундай дарслар ўқувчилар онгига тез сингиб, хизмат кўникмаларини ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади. Ҳар сафар машғулотлардан сўнг ҳарбий қисм бўйлаб экскурсия ташкил этамиз. У ердаги яшаш, хизмат қилиш, билим олиш учун яратилган намунали шарт-шароитлар, дид билан безатилган аскар ётоқхоналари, машғулотхоналар, кутубхона-ю ошхоналар талабаларда катта таассурот қолдираяпти.

Яқинда ҳарбий қисм ҳудудида шартнома бўйича хизмат қилаётган хизматчилар учун янги ётоқхона ишга туширилди. Талабалар билан бориб кўрдик. Тўғрисини айтсам, ётоқхонада яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳаммамиз ҳайратга тушдик. Очиғи, шундай шинам ётоқхонада яшаб, ўзимнинг ҳам қайтадан хизмат қилгим, сафга тургим келди. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Тадбирларимизда ташкилот фаоллари доим иштирок этиб, долзарб мавзуларда суҳбатлар, маърузалар уюштиришади, аълочилар ва ғолибларни рағбатлантиришади.

Хуллас, бу тадбирлар, ҳамкорликлар, устоз мураббийларнинг барча саъй-ҳаракатлари умумий бир мақсадга – ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, келажакда ҳар бир ўғил-қизнинг юртга муносиб фарзанд бўлиб етишишларига қаратилгандир.

Захирадаги подполковник А. ЖУМАЕВ суҳбатлашди.

МЕҲРИНГИЗ ТАФТИДАН РАНГ ОЧАР ҒУНЧА

«Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади», деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, ана шу вазифани уддалаб келаётган, ёш авлодга, яъни эртанги кун давомчиларига ҳар тарафлама билим, таълим-тарбия, сабоқ бераётган, йўл-йўриқ кўрсатаётган устоз ва мураббийлар фаолиятини эҳтиром айламасдан иложимиз йўқ. Зеро, қуёш нуридан гул ҳам, тикон ҳам унаркан-у, устоз меҳридан фақат гул етиларкан.

Офицер Улашбой Сиддиқовнинг армиямиз таянч устунлари ҳисобланмиш сержантларнинг шаклланишида ҳиссаси муносиб ўрин тутади десак, муболаға бўлмас. Чунки турли гарнизонларда хизмат заҳматини тортиб юрган офицер Президентимизнинг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда сержантлар тайёрлаш мактаби (СТМ) ташкил этилгач, малакали офицер сифатида ана шундай даргоҳлардан бирига юборилди. Тарбиявий ишлар услубияти фанидан курсантларга сабоқ бериб келаётган катта ўқитувчи У.Сиддиқовни барча бирдай ҳурмат қилади. Ёшлар ундан билмаганларини сўраб ўрганишса, тенгдошлари билим ва тажриба борасида ўртоқлашиб туришади. Умуман, офицер Инъомжон Тўйчиев раҳбарлигидаги мазкур циклда жуда аҳил ва самимий ижтимоий муҳит шаклланган. Ҳарбийлар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат устозлар жамоасини бамисоли бир оила дейсиз. Ўқитувчилар – Сабина Бобоева, Жасур Улуғов, Шоҳида Ўроқова, Абдулҳаким Умрзоқов, Умар Суяров ҳамда офицер Лочин Нарзиқулов ва бошқалар қўлни-қўлга бериб, бўлажак профессионалларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал камолга етишларига камарбаста бўлмоқдалар.

– СТМда таълим тизими такомиллаштирилиб, янги фанлар киритилгани ва муддат узайтирилгани ўз ижобий самарасини бермоқда, – дейди Улашбой Сиддиқов.

Дарҳақиқат, устозларнинг собиқ тингловчилар изидан ҳарбий қисмларга бориб, натижалар ҳақида мониторинг ўтказиб туришини айтиб ўтмоқ жоиз. Меҳнатнинг натижаси билан танишиш ҳам завқ бағишласа, ўз ўрнида тегишли сабоқ ҳам беради. Бу тадбирнинг муҳим эканини яхши билган ўқитувчилар эса тез-тез қисмларга амалий ташриф уюштириб турадилар.

– Мен СТМга яқинда келганман, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси ўқитувчи Шоҳида Ўроқова. – Дастлаб ёш, тажрибасиз, кечагина магистратурани битирган муаллим қиёфасида ишни нимадан бошлашни билмай қолгандим. Бу ер ҳарбий қисм бўлса, посбонлар ғоят жиддий, салобатлари босди-да. Ана шундай пайтда менга ҳарбий ўқитувчиларимиз, яъни тажрибали устозлар кўмакка келиб, ёрдам кўрсатиб юбордилар.

– Мен ҳам СТМга ишга келганимда, дастлаб чўчиган эдим, – дейди яна бир муаллима Қуролли Кучлар хизматчиси Нилуфар Худоёрова. – Аммо кейин билсам, ҳадикларим беҳуда экан. Ҳарбийларимиз жуда тартибли, бир сўзли, маънавияти ҳам юксак бўларкан. Илгари мактаб, институтларда ишлаб кўрганман. СТМ улар орасида менга кўпроқ маъқул бўлди. Албатта, бунга эришишда мактабдаги тажрибали ўқитувчиларнинг ўгит ва маслаҳатлари, ёрдамлари беқиёс.

Катта лейтенант Шоҳрух ЖУМАЕВ. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Байрам садоси

ТАДБИР НОМИ – «УСТОЗИНГНИ УНУТМА!»

Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дури бебаҳо.
Улуғ айёмингда шеърий калом бу,
Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу.

1 октябрь куни Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ўқитувчилар ва мураббийлар байрамига бағишлаб бир қатор ҳарбий қисм ва билим юртларида «Устозингни унутма!» деб номланган ажойиб байрамона тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, алоқачилар ҳарбий қисмида бўлиб ўтган байрам дастури аскар ва офицерларнинг қалбидан чуқур жой олди. «Камолот» ЁИҲ ҳомийлигида уюштирилган шаҳарлараро телефон мулоқотлари орқали аскарлар қўлларига илк қалам тутқазиб, Она, Ватан, Истиқлол каби сўзларни ёзишга ўргатган, қалб нури ила таълим-тарбия берган устозларини табриклашга муяссар бўлдилар.

«Ассалому алайкум устоз, мен сизни бугунги байрамингиз билан самимий табриклайман. Менга берган сабоқларингиз хизматим давомида жуда асқотмоқда. Бунинг учун мен сиздан бир умр миннатдорман. Ёш авлодга таълим-тарбия беришдан, уларга тафаккур улашишдан чарчаманг. Сизга таъзим қиламан, устоз». Бу дил сўзлари оддий аскар Аброр Зокировга тегишли. Шунингдек, оддий аскарлардан –Шавкат Эшқобилов, Абдурашид Ҳусанов, Ойбек Ғаффоров, Ўткир Рўзиевлар ҳам устозларини чин дилдан табриклаб, ўзларининг тилакларини билдиришди.

– Бугунги тадбир посбонларимизга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлаши турган гап, – дейди ҳарбий қисм «Камолот» ЁИҲ етакчиси офицер Дилмурод Рустамов. – Илк бор таълим бериб, ҳаётни ўргатган устозига нисбатан меҳр, ҳурмат туйғулари ҳар бир инсоннинг юрагида бўлиши, шубҳасиз. Бугун аскарларимиз ўзларининг биринчи ўқитувчиларига телефон орқали табрик йўллашди. Албатта, у ўқитувчининг шогирди дил сўзидан боши кўкка етади, ўртадаги меҳр ва муҳаббат янада мустаҳкамланади.

Байрам тадбири Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳам кўтаринки руҳда давом этди. Курсантлар – Дилмурод Мамажонов, Латиф Алиқулов, Нурали Жўраев ва бошқалар ўз устозларини табриклаб, энг яхши тилакларини билдиришди.

– Мен хизматимда ҳам, ҳаётимда ҳам муаллим ва устозларимнинг ўрни муҳим деб ҳисоблайман, – дейди курсант Жасур Қобулов. – Чунки дастлаб ўрта мактабда, ҳозирда билим юртида улардан олаётган билимларим, устозларимнинг йўл-йўриқлари ҳаётда ўз ўрнимни топишимда катта ёрдам бермоқда. Устозларни қанча эъзозласак арзийди. Улар чин маънода фидойилардир.

Офицер Уйғун Баратов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ўтказилган байрам дастури ҳам жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди.

– Бу ҳарбий қисм билан доимо ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келамиз, – дейди «Камолот» ЁИҲ Бектемир тумани бўлимининг раиси Илҳом Алимов. – Аммо бугунги тадбир бошқаларидан тубдан фарқ қилди. Чунки посбонлар хизмат жойларидан туриб, устозлари билан жонли алоқада бўлдилар. Уларга ўзларининг эзгу истакларини изҳор этишди.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ходимаси Наргис Азаматова томонидан уюштирилган қизиқарли ўйинлар, топқирлик машқлари аскарларда катта таассурот қолдирди. Туман маданият уйи қўшиқчиларининг чиқишлари эса даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

– Мана бугун мен Ватаним ва халқим олдидаги бурчимни адо этиш учун ҳарбий хизматдаман, – дейди оддий аскар Ҳожиакбар Парпиев. – Тан олишим керакки, устозларимдан олган таълим ва тарбия бу ерда ҳам роса қўл келмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, менга ва мен каби посбонларга ҳарб илмидан билим бериб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган офицер ҳамда сержантларни ҳам бугунги шодиёна билан табриклайман.

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф
ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳаққин юз ганж ила.

Буюк шоир айтганидек, бизга билим, тарбия, қалб нурини бериб, тўғри йўл кўрсатган устозларнинг меҳнатини ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Шу томондан, ҳарбий хизматчиларга ўз устозлари билан телефон орқали боғланиб, байрам табрикларини етказишга ёрдам берган «Камолот»-чиларга ҳар қанча олқишлар айтса, арзийди.

Аҳрор ОЧИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТ БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида пойтахтимиздаги ҳарбий-спорт синфлари тарбияланувчиларининг тантанали қасамёд қабул қилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Саф майдонида жам бўлган мактаб ёшидаги болажонлар эгнидаги ҳарбий либос, уларнинг шаҳдам қадам ташлашлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, устоз-мураббийлар ва ота-оналар олдидаги онтини кўриб, қувонасан киши. Ҳа, тантана сабабчиларининг мақсади – Қуролли Кучларимиз офицери, шарафли касб эгаси бўлишдир.

Тадбир давомида истеъфодаги майор Владимир Ванюмкин, Ҳарбий ҳаракатлар ногиронлари жамғармаси раисининг ўринбосари Олег Политин, умумтаълим мактаб директорлари Нигора Умарова ва Ирина Паклар қасамёд қабул қилганларни ушбу унутилмас воқеа муносабати билан табриклаб, эзгу тилакларини билдиришди.

– Ўғлим Муҳаммадшариф тўртинчи синфда ўқийди, – дейди Насиба Муҳиддинова. – Спортга қизиқиши жуда баланд. Каратэ билан мунтазам шуғулланади. Орзуси – ҳарбий бўлишдир. Ҳозирданоқ ҳарбий либосини меҳр билан кийиши, бундан ғурурланишини кўриб, албатта, қувонаман. Ўйлайманки, боламнинг истаги амалга ошади.

– Ўғлимнинг қасамёд қабул қилишини кўриб, унданам кўпроқ ҳаяжонланган бўлсам керак, – дейди тўлқинланиб Ирина Ким. – Фарзандининг муваффақияти ва қувончини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам жуда хурсандман.

Қасамёд қабул қилиш маросимининг айнан олий ҳарбий билим юртида ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. Ёшлар учун бу оз бўлсада, курсантлар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконини бериши билан бирга танлаган, қизиқаётган касбига бўлган меҳр, интилишнинг кучайишига сабаб бўлади.

Тилагимиз, олдига Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсад қўйган болажонларга намунали курсант, жасоратли, матонатли офицер бўлиш насиб этсин!

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ НИШОНЛАНДИ

Касб байрамларининг ичида энг ардоқлиси саналган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни мамлакатимизда кенг нишонланди. Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида ҳам бу қутлуғ кун муносиб кутиб олинди.

Шарқона карнай-сурнай садолари остида лицейга ташриф буюрган меҳмонлар майдонда саф тортган ўқувчиларнинг қизғин табриги ва шукуҳли тантанадан масрур бўлдилар. Майдонда лицей шахсий таркиби Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами ҳамда ўқувчиларнинг «Тантанали қасамёд» қабул қилиши муносабати билан сафланишди. Тадбирни очиқ деб эълон қилган лицей директори Собиржон Аҳроров йиғилганларни табриклагач, Давлат мадҳияси ижро этилди. Сўнгра устозларга бағишланган куй ва қўшиқлар, ашъорлар янгради. Лицейда кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчилардан – Б. Мирзаев, Ю. Петрович, З. Абдувоитова, Б. Эргашев ва бошқалар Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Лицейнинг 10-синф ўқувчилари «Тантанали қасамёд» қабул қилганлиги ўзига хос воқеа бўлди. Қўшалоқ байрам иштирокчиларини қизғин табриклаб, ҳарбий қўшиқлар янгради. «Настарин» рақс гуруҳининг ажойиб рақслари, ёш эстрада хонандаси, лицейнинг собиқ ўқувчиси Азиз Раметов ижросидаги қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, қўл жанги, кураш, футбол, оғир атлетика каби спорт турлари секцияларининг қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

– Бугун лицейимизда унутилмас кун эканлигини барчамиз ҳис этиб турибмиз. Бу кун барчамизнинг ёдимизда қоладиган бўлди, – деди лицей директори Собиржон Аҳроров. – Айниқса, устоз ва мураббийларимизнинг касб байрамларини алоҳида санага айланиб боряпти. Ўқувчиларимизнинг қасамёд қабул қилганликлари ҳам ўзига хос тантанадир. Бу кунни улар узоқ вақт унутишмайди.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА, «Ватанпарвар» мухбири. Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ТОРЖЕСТВЕННАЯ КЛЯТВА ЛИЦЕИСТОВ

В тот день у Республиканского правового лицея в Фергане было многолюдно. Со всех уголков страны сюда съехались сотни родителей и родственников лицеистов. Настоящим праздником для всех стала торжественная клятва первокурсников: хорошо учиться, глубоко овладевать знаниями специальных и общеобразовательных предметов, быть верными патриотами своей Родины и достойной сменой старших поколений.

Это престижное учебное заведение готовит отличных кандидатов для поступления в вузы и военные училища Министерства внутренних дел и Министерства обороны.

– В течение двух лет наши воспитанники наряду с общеобразовательными предметами глубоко овладевают основами военной подготовки, правовыми знаниями, изучают криминалистику и автодело, – говорит директор лицея Мурат Мамаджанов. – Каждый из 400 лицеистов выбирает направление образования по душе: академическое, военно-техническое или пожарно-техническое. Их обучают опытные педагоги, кадровые офицеры.

В полдень начинается торжественное построение коллектива и воспитанников Республиканского правового лицея имени генерал-майора Гуломжона Закирова.

Под звуки военного оркестра вносится знамя лицея. Заместитель директора по специальной подготовке подполковник Абдугани Маматалиев отдает рапорт руководителю лицея.

Мурат Мамаджанов тепло поздравляет молодежь с большим и важным событием в их жизни.

Успехов в учебе, крепкого здоровья им пожелала заведующая кафедрой специальной подготовки Махбуба Ташматова.

О замечательной жизни и деятельности генерал-майора Гуломжона Закирова, чье имя с гордостью носит лицей, рассказала собравшимся преподаватель математики Фарида Мухаммадиева.

– Мне когда-то посчастливилось воевать вместе с Гуломжоном Закировым на 2-м Белорусском фронте, – сказал ветеран войны Хайдарали Кузибаев. – Он был хорошим командиром, примером для всех нас. И навсегда им останется для молодых поколений патриотов-узбекистанцев.

Не менее интересными и познавательными для молодежи были и выступления ветерана Второй мировой войны Анвара-ака Кадырова, рассказы о традициях войскового товарищества воина 80-х годов Эргаша Хамидова.

До глубины души затронули присутствующих проникновенные слова родителей, приехавших на знаменательный праздник, – Хонзоды Бегалиевой и подполковника Хаита Джураева.

Затаив дыхание, слушали юные курсанты бывшего воспитанника лицея, недавно успешно закончившего Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище. Сейчас лейтенант Низом Норчаев уже успешно служит в органах внутренних дел.

Праздник продолжился вручением четырем лучшим лицеистам именных стипендий Гуломжона Закирова.

Торжественно проходит возложение венков к бюсту генерал-майора Г.Закирова. И вот наступает самая ответственная минута. Выстроившись в колонны, первокурсники-лицеисты дают торжественную клятву на верность народу и Президенту, родному Узбекистану в том, что будут достойной сменой старшего поколения, верными патриотами своей страны.

Отличившимся лицеистам вручаются погоны вице-сержантов.

Воспитанники проходят торжественным маршем. А праздник продолжается уже на плацу лицея. Это и конкурс строевой песни, и спортивные игры, и задушевные беседы с педагогами и родителями. А завершил это все праздничный обед.

Юрий ГЕНТШКЕ.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.
Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 12 октября. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ДЕВЯТОГО ТУРА

1. Разрешается ли стоять в кузове грузового автомобиля при движении?
а) разрешается только лицам, сопровождающим груз; б) запрещается;
в) разрешается, если перевозки осуществляются в поле;
г) разрешается, если борта кузова наращены на высоту не менее 0,8 м от уровня пола.

2. Разрешается ли обгон транспортных средств в зоне перекрестка на дороге, являющейся главной по отношению к пересекаемой?
а) разрешается; б) запрещается.

3. В каком ответе указан правильный вариант включения световых приборов на буксируемом транспортном средстве?
а) ближний свет фар в темное время суток или в условиях тумана;
б) аварийная сигнализация, при отсутствии или неисправности транспортное средство должно быть обозначено знаком аварийной остановки, укрепленном на нем сзади;
в) габаритные огни в населенных пунктах;
г) любое освещение на дорогах вне населенных пунктов.

4. Если на грунтовой дороге непосредственно перед перекрестком имеется участок с покрытием, то делает ли это ее равной по значению с пересекаемой?
а) нет; б) да.

5. Как должен поступить водитель при проезде мимо трамвая попутного направления, стоящего на обозначенной остановке, расположенной на середине дороги?
а) остановиться и возобновить движение только после того, как будут закрыты двери трамвая;
б) уступить дорогу пешеходам, идущим к стоящему трамваю или от него.

6. Разрешается ли перевозка людей в кузове грузового автомобиля при буксировке на жесткой или гибкой сцепке?
а) разрешается в кузове буксирующего и буксируемого автомобилей;
б) разрешается только в кузове буксируемого автомобиля;
в) разрешается только в кузове буксирующего автомобиля.

7. Как остановить автомобиль в случае внезапного отказа рабочего тормоза?
а) перейти на низкую передачу, затормозить стояночным тормозом. При необходимости воспользоваться каким-либо препятствием;
б) выключить сцепление и резко тормозить стояночным тормозом.

8. Какое внешнее освещение должно быть включено на буксируемом транспортном средстве?
а) в темное время суток, только габаритные огни;
б) ближний свет фар;
в) аварийная сигнализация.

9. Как правильно выбрать место наложения кровоостанавливающего жгута на конечности?
а) ниже раны на 10 – 15 см;
б) выше раны на 10 – 15 см;
в) непосредственно на рану.

10. Шины мотоциклов должны иметь остаточную высоту рисунка протектора не менее:
а) 0,5 мм, б) 0,8 мм, в) 1,0 мм, г) 1,6 мм, д) 2,0 мм.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ВОСЬМОГО ТУРА

1. Одного длинного и трех коротких сигналов.
2. Правильно.
3. Подложить валик из ваты или бинта в подмышечную область и прибинтовать согнутую в локте руку к туловищу.
4. Две.
5. Наложить тугую повязку на поврежденное место, на 15 – 20 минут приложить мешочек со льдом. Поврежденную конечность приподнять, обеспечить покой.
6. Запрещается.
7. Не должен, если он может ввести в заблуждение других участников движения.
8. Им приняты необходимые меры, исключающие самопроизвольное движение транспортного средства или использование его в отсутствие водителя.
9. В кабине буксирующего автомобиля.
10. В установленных для этого местах.

Шифокор маслаҳати

ҲАВОДА ЧАНГ, ҒУБОР БЎЛМАСИН

Куз фасли кириб келиши билан дов-дарахтларнинг ям-яшил барглари олтин ранг тус олиб, ўзгача чирой касб этади. Аммо бу узоқ давом этмайди. Кўп ўтмай барглар қуриб, сарғайиб тўкила бошлайди – хазонрезгилик бошланади.

Ўзингизга яхши маълум, хазонрезгилик даврида дарахтлардан тушаётган япроқлар атроф-муҳитнинг ифлосланишига, ҳудуднинг санитария ҳолати қониқарсиз ҳолатга келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу мавсум давомида ҳудудларни ҳар куни хазонлардан супуриб-тозалаш, уларни белгиланган жойларда йиғиб, ўз вақтида олиб кетиш ишларини ташкил этиш талаб этилади.

Агарда йиғилган хазон, шох-шабба ва майший чиқиндилар олиб кетилмай ёқиб юборилса, биз яшаб турган шаҳарча, маҳалла ёки ҳарбий қисм ҳудуди атмосфера ҳавосининг тозалиги бузилиб, бу салбий оқибатларга олиб келади.

Чунончи, бир килограмм шох-шабба ва чиқиндилар аралашмасининг ёқилиши туфайли 30 метр куб ҳажмдаги, 100 кг. ёқилганда эса 3000 метр куб ҳажмдаги тоза ҳаво таркиби ҳар хил зарарли моддалар билан ифлосланади. Бунинг оқибатида инсон организмининг юқори нафас йўли, ўпка, қон айланиш системаси сурункали оғир кечувчи хавфли касалликлар билан касалланишига кенг йўл очиб берилади ва шу билан бирга ёнғин хавфи кучаяди.

Атроф-муҳит ва атмосфера ҳавосини ифлосланишини ва бунинг инсон организми учун зарарли таъсирларини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Аҳоли яшаб турган жойлардаги ҳавони муҳофаза қилиш тўғрисида»ги санитария меъёр ва қоидаларида, «Тоза ҳавони ифлослантирувчи шахсларни қонун олдида жавобгарликка тортилиши» ҳақида эса «Маъмурий жавобгарлик кодекси»да аниқ кўрсатиб ўтилган.

Хазонрезгилик даврида юқорида кўрсатилган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар биримиз масъулиятни ҳис этган ҳолда, тўпланиб қолган хазон ва бошқа чиқинди аралашмаларини ёқиб юборишга йўл қўймаслигимиз ва уларни махсус майдончаларга йиғиб, ўз вақтида олиб кетилишини ташкил қилишга кўмаклашишимиз зарур.

Буюк юртдошимиз Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973 – 1048) астрономия, физика, математика, илоҳиёт, тарих, география, маъданшунослик каби фанларга оид 150 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Унинг астрономияга бағишланган 70 дан ортиқ асари Ўрта аср астрономиясининг асосини ташкил этади. Қолган асарларининг 20 таси математикага, 18 таси адабиётга, 15 таси тарих ва элшуносликка, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси маъданшуносликка, 4 таси хариташуносликка, бири физиката, бири доришуносликка бағишланган. Ижодий фаолияти фан тарихида бутун бир даврни ташкил этган қомусий олимнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», 80 бобдан иборат «Ҳиндистон», «Китоб ат-тафҳим», «Қонуни Масъудий», «Геодезия», «Минералогия», «Мунажимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» каби асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима этилган.

«Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен буни ўзим учун энг улуғ бахт деб биламан», деб ёзган эди Беруний. Ҳа, бутун умрини илмга бағишлаган қомусий олимнинг беқиёс истеъдоди, чуқур илмий фикр ва мулоҳазалари, кашфиётлари, тафаккур доирасининг кенглиги ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратга солмоқда.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

(Давоми бор).

МАҚОМИ ЮКСАКДИР ПОСБОННИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йил баҳорида Яккасарой туманининг Юнус Ражабий номли маҳалла гузарида ажойиб бир байрамда қатнашдим. Ён-атрофдан ўтган киши ҳатто, бу ерда катта бир тўй бўляпти, дея ўйлаши мумкин. Ахир, карнай-сурнай садолари, шарқона либосларда гуллар ушлаб турган қизлар дарҳол эътиборни тортади-да. Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўтаб, ёруғ юз билан қадрдон маҳалласига қайтишган ўғлонларни ота-оналар, ёру биродарлар кутиб олишди, улар билан дийдорлашишди. Йигит аскарликка отланганда нон тишлатиб қолишади. Ризқи узилмасин, туз тотган жойига эсон-омон қайтсин, деган маъно мужассам бунда. Аскарликдан қайтганда эса мард ўғлоннинг елкасига чопон ташлашади. Бу асл эр йигит бўлгани, халқининг, юртининг ишонган тоғига айланганига ишора. Тадбирда резервга бўшаб, маҳалласига қайтишган аскарларга туман ҳокимлиги томонидан тўн кийгизилди. Мана, анъананинг ўзбекона руҳи. Мана, юрт ҳимоясини шараф билан ўтаган фарзандларни халқ қандайин эҳтиром билан кутиб олиши. Бундайин муносабатни, бундайин эътиборни бугунги, эртанги чақирилувчи ҳам кўряпти. Демак, онгида элюрт хизматига камарбаста бўлганлар доимо эъзозда бўлишидек хулосалар шаклланмоқда.

– Қаранг, Ватан хизматидан қайтишган ўғлонларимизни қандайин тантана билан қаршилаяпмиз. Бунинг аҳамияти беқиёс. Бу эл-юрт учун хизмат қилганлар доимо эъзозда, эътиборда дегани. Ўғлим Зиёдулло Тавсиянома билан келибди, Ватан хизматидан. Демак, халқининг, Президентининг ишончини оқлабди, – дейди Ҳожиакбар ака Одилов.

Ортда қолган баҳорги чақирувда Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларга «Армия – ҳаёт мактаби» номли Эслатма берилди. Ҳаёт мактаби ҳисобланувчи армия йигитларимизни ҳар томонлама тоблаб, уларни жисмоний, маънавий жиҳатдан чиниқтиряпти. Давлатимиз, Юртбошимиз томонидан она юрт посбонларига қаратилган устувор эътибор, бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда. Чоп этилган Эслатма таъкидланаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг навбатдагиси бўлди.

Эслатмадан Давлатимиз Мадҳияси, Ҳарбий қасамёд, Ўзбекистон аскарига мурожаат матнлари ўрин олган бўлиб,бу посбонларимизни Қасамёдига, мамлакатимиз Президенти ва халқига содиқ бўлишга даъват этади.

Шунингдек, унда Қуролли Кучларимиз ташкил топиши, унинг ҳуқуқий пойдевори, мудофаа соҳасидаги сиёсатимиз, ислоҳотларимиз билан боғлиқ маълумотлар ва бошқа фойдали маслаҳатлар ўрин олган.

Ҳукуматимиз қарорлари, миллий қонунчилигимиз ва Умумҳарбий низомлар билан белгиланган имтиёзлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аскарларга тушунтириш каби масалаларга Эслатмада алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса, Эслатмада ҳарбий хизматчининг кундалик овқатланиш меъёрлари, давлат томонидан бериладиган қатор кийим-кечаклар кўрсатиб ўтилган.

Эслатмадан ўғлонларимиз миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англашади, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини билиб олишади. Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш истагидагилар ўзларига керакли маълумотларга эга бўлишади. Бугунги чақирилувчи эгнига «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» ёзуви бор спорт либосини кийиб, армияга йўл олади. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан чақирилувчиларимизга турли-туман совға-саломлар берилишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги чақирув, йиғин пунктида кўрик-танловлардан ўтишга, аскарлик сари йўл олишга интилаётган йигит давлатимиз томонидан ўзи учун белгиланган қатор имтиёзларни ҳам билади. Келинг, шу ўринда улардан айримларини санаб ўтайлик. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлиги Тавсияномасига эга бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизи тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатилади. Танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳарбий қисмда ҳафтасига камида 4 соатлик бепул қўшимча машғулотлар ўтказилади. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари тайёрлов курсларида армияда хизмат қилган абитуриентлар бепул асосда таҳсил олишлари мумкин. Шунингдек, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш, таътил берилганда, даволанишга борганида, армияга чақирилганида ва резервга бўшатилганида, хизмати бошқа жойга ўзгартирилганда шаҳарлараро автомобиль ва темирйўл транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бўлади. Хуллас, ана шундайин кўплаб имтиёзлар яратилган.

Ёшларимизнинг, бугунги чақирилувчининг кўзларида, қалбида Ватан суратини кўрасиз. Она юрти Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган кучни сезасиз, уларнинг вужудида. Тингланг, ўша сурат, ўша куч «сўзламоқда»: «Мен муқаддас Ватаним посбони, миллий армиямнинг етук аскари бўлмоғим керак!»

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЁШЛАРИМИЗНИНГ, БУГУНГИ ЧАҚИРИЛУВЧИНИНГ КЎЗЛАРИДА, ҚАЛБИДА ВАТАН СУРАТИНИ КЎРАСИЗ. ОНА ЮРТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЁНИБ ЯШАШГА, ЖАВЛОН УРИШГА УНДАЁТГАН КУЧНИ СЕЗАСИЗ, УЛАРНИНГ ВУЖУДИДА.

ЗАМИННИ ЗАРЛАРГА БУРКАГАН САНЪАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу гўзалликнинг яратилишида олдиндан тайёрланган, яъни рассомлар томонидан ижод қилинган мужассамот нусхаси кўчирилган ахта қоғозлардан кенг фойдаланилади. Унинг тарихига тўхталадиган бўлсак, зардўзлик бадиий ҳунармандлик тури сифатида Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган.

Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар Ўрта Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадиий буюмлар тикиш қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Испан элчиси Клавихо ўз эсдаликларида зардўзи усулида тикилган кўрпа-тўшаклар, қимматбаҳо дарпардалар ва чодирлар, шунингдек, эркак ва аёлларнинг зар ипдан тикилган кийимлари ҳақида завқ билан ёзади.

Ушбу бебаҳо санъат усули XV-XVIII асрларда Бухоро, Самарқанд ва Ҳиротда юксак даражага кўтарилган. Унинг XIX асрдаги тараққиёти эса Бухоро билан боғлиқ. Бухорода сақланиб келаётган зардўзлик касби узоқ давр мобайнида сайқал топиб, такомиллашиб борган. Ўша даврларда зардўзлик билан асосан эркаклар шуғулланишган. Улар томонидан яратилган зардўзи буюмлар: тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойабзал, белбоғ, салла ва кулоҳларнинг деярли барчаси амир ва унинг оиласи, сарой аъёнлари учун тайёрланган.

Албатта, барча соҳада бўлгани каби зардўзликда ҳам даврлар мобайнида янги-янги услублар амалга оширилиб келинди. 1893 йилдан зар ипларнинг янги навлари кўп миқдорда ишлаб чиқарилиб, улар рангли ипак ипларни сиқиб чиқарди ва умумий тикиш услубини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Айниқса, 1890 – 1900 йиллардаги зардўзлик заргарона ўта нозиклиги билан ажралиб туради. Давр ўтиши билан зардўзи буюмларнинг турлари ўзгарди. Аввалги ҳашамдор буюмлар ўрнини нафис ишланган, давр талабига мос буюмлар эгаллади, нақш мужассамоти соддалаштирилди. Зардўзлар аёлларнинг байрам либослари (кўйлак, нимча, дўппи, кавуш, сумкача), анъанавий буюмлар, эркаклар учун совға тўнлар, дўппилар тайёрлай бошладилар. XX аср ўрталарида маҳобатли зардўзи намоёнлар яратиш сезиларли даражада ривожланди. Дастлабки йирик иш Навоий театри учун тикилган зардўзи парда бўлди. Рассомларнинг амалий санъат усталари билан ҳамкорлиги натижасида янги мужассамотли майда буюмлар, бадиий жиҳатдан қимматли намоёнлар яратилди ва яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида зардўзлик амалий санъати қайта тикланди. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах шаҳарлари ҳамда Сурхондарё вилояти замонавий зардўзлик санъатининг марказлари ҳисобланиб, соҳа усталари томонидан либослар билан бир қаторда турли мавзудаги деворий намоёнлар, театр пардалари, гиламлар, совға буюмлар, игнадонлар, упа-элик сумкачалари каби буюмларни зардўзлик усулида безатиш ривожлантирилди. Йирик мавзули зардўзи буюмлар эса республика ва чет мамлакатлар кўргазмаларида намойиш этилмоқда, музейларида сақланмоқда.

Биз мақоламиз аввалида миллий ҳунармандчилик санъатининг ушбу бебаҳо соҳаси бундан неча асрлар аввал Бухоро ва Самарқандда юксак даражага кўтарилганлиги ҳақида тўхталиб ўтгандик. Истиқлол йилларида қайта қад ростлаган зардўзликни ҳозирда илк марказлардаги ривожи қандай? Саволларимизга жавоб топиш мақсадида Бухоро шаҳридаги масъулияти чекланган «Заркон» (олдинги «Зардўз») фабрикасига йўл олдик. Фабрикага ҳозирда кузатув кенгаши раиси сифатида Раҳимжон Хўжаев етакчилик қилаётган экан. Фабриканинг дастлабки фаолиятига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, 1939 йилда 13 нафар ҳунарманд билан иш бошлаган корхонада кейинчалик 1600 киши меҳнат қилган. Давр алмашувидаги муаммолар сабаб, маълум муддат иш суръати пасайган фабрика ўтган йиллар мобайнида замон талабига мос равишда қад ростлай бошлади. Айни дамда бу ерда 150 дан зиёд ҳунарманд фаолият юритмоқда. Ишчиларнинг деярли ярми касаначилар бўлиб, уларни ўз касбларининг энг иқтидорли вакиллари дейишга ҳақлимиз.

– Чунки бу ерда маҳсулотнинг сифатига катта эътибор қаратилади, – дейди биз билан суҳбатда фабрика бошлиғининг ўринбосари Мавлуда Усмонова. – Зардўзликнинг мураккаб қадимий услубида тикиш бизда давом этаяпти. Шунинг учун маҳсулотларимиз сифат юқорилиги билан бозор маҳсулотларидан устун туради. Бунга яна бир сабаб, биз буюртма асосида иш юритамиз. Фабрикамиз қошидаги маҳсулотлар кўргазмасига эътибор қаратсангиз, уларнинг тури юзга яқинлигига гувоҳ бўласиз. Келин-куёвлар учун тўй либослари, сўзана, ёстиқ жилдлари, гилам, зар пардалар, миниатюра асарлари, турли талқиндаги тасвирлар зар ипу қалб қўри билан уйғунликда бетакрор санъат асарларига айланган. Фабрикамиз қайта қад ростлаши учун ўз касбининг энг моҳир усталарини йиғишга муваффақ бўлдик. Ишчиларимиз орасида 81 ёшли Нурмат ота Султоновдек устоз ҳунармандлар ҳам бор. Умрини шу соҳага бахшида этган Лола Ботирова, Нодира Абдуллаева, Салима Қодирова, Матлуба Жумаева, Феруза Тўхтамуродоваларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Мақсадимиз – миллатимиз ғурури бўлган миллий ҳунармандчилик санъатининг бу бебаҳо соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, янги талқинларда жаҳонга намойиш этиш.

Биз 34 йилдан буён шу гўшада хизмат қилиб келаётган Лола опа Ботирова билан биргаликда ишчилар ҳузурида бўлдик. Махсус чамбаракларга (корчўпга) ўрнатилган матоларга бош кўтармай безак тикаётган ҳунармандларнинг меҳнати ташқаридан қараганда игна билан қудуқ қазиётгандек кўринади гўё. Тайёр шаклга келаётган ўзига хос санъат асарларини кўриб эса ҳайратингизни яшира олмай «тасанно» деб юборганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Албатта, инсон меҳнатининг моддий манфаати ҳам асосий ўринда туради. Бу борада ишчилар меҳнат ҳаққини ишбай, яъни қилган меҳнатига қараб олишидан огоҳ бўлдик. Бундай ҳақ тўлаш услуби ишчиларга маъқул, шубҳасиз. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат халқимиз, балки хориждаги сайёҳлар томонидан катта эътибор топаётгани бизни қувонтирди. Ишчиларга яратилган шароит, фабриканинг умумий аҳволи ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ерда қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари давом этаяпти. Фабрика қошида замонавий турда қурилиб, апрель ойида ишга туширилган 350 ўринли «Кўҳинур» ресторани кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, ундан тушган даромад ҳам айнан фабрика ривожи учун белгиланганини таъкидлаб ўтишди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллатимизнинг фахри бўлиб келган зардўзлик санъати бугун ўзининг янги йўналиш, янги қирралари билан миллий улуғворлигимизни асраган ҳолда ривожланмоқда, дунёга бўй кўрсатмоқда. Юртимизнинг энг азиз меҳмонларига тақдим этилажак совғалар ҳам айнан миллий анъаналаримиз кўрки – гултожи бўлмиш зардўзлик санъати намуналари бўлиши бежиз эмас. Зеро, заминни зарларга ўраётган зардўзлик соҳаси доимо фахримиз, ифтихоримиздир.

Зулфия НОСИРОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Аввал хабар берганимиздек, 26–28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида жойлашган Наврўз савдо-саноат мажмуасида «Ҳимоя ва қутқарув–2006» деб номланган халқаро кўргазма бўлиб ўтди.

Халқаро кўргазма

«ҲИМОЯ ВА ҚУТҚАРУВ – 2006»

Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Қобилжон Бердиев ва вазирлик мутасадди ходимлари, кўргазмани расмий қўллаб-қувватловчи «Ўзмахсусимпэкс» давлат корхонаси бош директори Эрик Бегишев, «Delta Bi EX» ўзбек компаниясининг савдо-сотиқ бўйича раҳбари Тимур Исламов ҳамда республикамизда фаолият юритаётган шу соҳага алоқадор ташкилот вакиллари ва бошқалар қатнашишди. Кўргазманинг тантанали очилишидан сўнг иштирокчилар замонавий муҳофаза, ҳимоя ва қутқарув воситалари билан яқиндан танишишди.

– Ушбу кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад, – дейди республика Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари полковник Тойжон Тўрақулов, – ҳозирда қўлланилаётган ва келажакда жорий қилиниши кутилаётган хавфсизлик, ҳимоя, қутқарув соҳаларига зарур замонавий техника ва тизимларни намойиш этишдир. Шунингдек, шу соҳа мутахассисларини янги технологиялардан воқиф қилиш ҳамда ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш ва юксалтиришдан иборатдир.

Халқаро кўргазмада Буюк Британия, Польша, Туркия, Россия, Швеция, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамда ушбу давлатларнинг кўргазмага алоқадор 250 га яқин ташкилот, корхона ва компаниялари вакиллари иштирок этишди.

Қатнашчилар эътиборига хавфсизликни таъминлаш, ёнғинга қарши, аксилтеррор, ахборотни ҳимоялаш, банк фаолияти ва саноат корхоналари хавфсизлигини таъминлаш, махсус транспорт ҳамда юкларни етказиш, биологик ва кимёвий ҳимояланиш, қутқарувчиларнинг махсус кийим ва жиҳозлари, махсус тез тайёрланувчи озиқ-овқатлар, қурилиш ва махсус техникалар, тиббиёт, қидирув-қутқарув каби хизматларда қўлланилаётган замонавий техникалар, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар ҳавола қилинди ҳамда истиқболли ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Меҳмонларда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизматчиларининг кўргазмали чиқишлари ҳам катта таассурот қолдирди. Улар инсон ҳаёти ва соғлигига хавф туғилганда, жумладан, ёнғин вақтида, зилзила чоғида, сув тошқини бўлганда ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда қандай ҳаракат қилиш ҳамда зарур замонавий техника, асбоб-ускуна, жиҳоз ва хавфсизликни таъминловчи воситалардан тез ва аниқ фойдаланиш каби машқларни маҳорат билан намойиш этишди.

Кўргазмада Россиянинг «Kewlar» ёпиқ акционерлик жамияти ўзининг махсус ҳимояловчи бош ва устки кийимлари, «Газ» автомобиль заводи махсус транспортлари, «Пожтехника» очиқ акционерлик жамияти ёнғинга қарши техника ва асбоб-ускуналари, Польшанинг «Radmor» фирмаси ҳарбий радиоалоқа аппаратлари билан иштирок этишди.

Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган «Vinlad» ташкилоти, «УМТ–Радио» алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи корхонаси, Қозоғистон Республикасининг «Казспецинжиниринг» компанияси, Швециянинг «Brokk» каби машҳур ташкилотлари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, халқаро кўргазманинг Тошкентда ўтказилиши республикамиз Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қатор халқаро ўқув машғулотларида ижобий таассуротлар қолдиргани билан боғлиқдир. Бунга биз Фарғона–2003, шунингдек, Исландияда ўтказилган халқаро ўқув машғулотларида вакилларимизнинг қидирув-қутқарув, тоғли жойлардаги ҳаракати, авария ҳолатида, фавқулодда вазиятлар пайтидаги маҳоратларига гувоҳ бўлганмиз. Ўйлаймизки, кўргазмада имзоланган шартномалар ҳаётда татбиқ этилиб, инсон хавфсизлиги янада мустаҳкам ҳимояланиши таъминланади.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ТАДБИРКОРЛИК ҲАМ ҲЕЧ ГАП ЭМАС

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилган. Бу нарсанинг юрт фаровонлиги-ю халқимиз яшаш даражасининг юксалишида нечоғли катта аҳамият касб этиши барчага маълум. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари ҳаракат қилишимиз лозим» номли маърузасида бу ҳақда шундай дейилади: **«Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди.**

Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда».

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган кўплаб тадбиркорлар орасида резервдаги офицерларнинг ҳам салмоқли ўрни борлиги, айниқса, диққатга сазовор. Ана шундай инсонлардан бири истеъфодаги майор Файбулло Олимовдир.

У дастлаб Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида таҳсил олди. Шундай бўлса-да, бу соҳадан кўра ҳарбийликка иштиёқ кучли эди. Бу бежизга эмас. Чунки унинг томирида ҳам довюрак бекзода, жанговар санъат билимдони, машҳур генерал Жўрабекнинг қони бор. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ўзи туғилиб ўсган Китоб тумани мудофаа ишлар бўлимида прапоршчик бўлиб хизмат қила бошлади. Ҳарбийлик касбига бўлган муҳаббат ёш Файбуллони олий ҳарбий билим даргоҳига етаклаб, таҳсилни ўша ерда давом эттирди. Ниҳоят орзиқиб кутилган лейтенантлик унвони тенгдошларига қараганда бирмунча кечроқ бўлса-да, унга ҳам насиб этди. Файбулло Олимов кўп йиллик хизмат фаолиятида офицерлик шаънини қадрлаб, барчанинг ҳурматига сазовор бўлди. Бугун кўпчилик ҳарбийлар устоз дея иззат қиладиган бу инсоннинг ҳам чексиз ҳурмат билан эсга оладиган устозлари бор.

– Ҳамиджон Содиқов, Файбулла Раҳматов каби фидойи офицерлар менга устозлик қилишган, – дейди у. – Албатта, ҳарбий хизмат ҳамиша бир текис, силлиқ ўтиши мумкин эмас. Ўзига хос мураккаб томонлари, қийинчиликлари ҳам бор. Ана шундай пайтларда тажрибали офицерларнинг ёшларга кўрсатадиган беғараз ёрдамлари, ўгитмаслаҳатлари ўзаро ҳурмат-эътиборни янада оширади, мураккаб вазиятларда ўз-ўзингга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, муваффақият сари бошлайди. Устоз-шогирд анъанаси ана шу томонлари билан ҳам қадрли.

Тажрибали офицер касби тақозоси билан Қашқадарё вилоятининг турли туманларида хизмат қилди. Шундан Деҳқонобод тумани мудофаа ишлари бўлимига раҳбарлик қилган даври фаолиятининг энг сермаҳсул, қизғин дамларидир. Сермулоҳаза, ҳамманинг кўнглига йўл топа билган етакчи офицерни бу ерда ҳамон ҳурмат билан тилга оладилар.

Истеъфога чиққан ҳар бир офицерда бундан кейин нима иш билан шуғулланиш керак деган ўйнинг бўлиши табиийдир. Чунки бу даврда ҳам кўпчиликда ҳарбий касблари тақозо этган куч-ғайрат жўшиб туради. Ёшликда эгаллаган билим тошга ўйилган ёзув каби ўчмаслиги айни ҳақиқатдир. Буни биз Файбулло Олимов мисолида янада яққолроқ кўришимиз мумкин.

Қишлоқда вояга етган, қишлоқ хўжалиги соҳаларини назарий ва амалий жиҳатдан ҳам яхши билган истеъфодаги офицер дадиллик билан фермерлик ишига қўл урди. Қисқа фурсат ичида у бу соҳада ҳам ҳеч кимдан қолишмаслигини намойиш этди. Бугунги кунда 20 гектар ерда қилинадиган деҳқончилик нафақат унинг оиласига, балки бошқалар учун ҳам фойдали бўлаётир.

Ўзига тўқ инсонлар ҳамма даврларда ҳам толиби илмларни модий томондан қўллаб-қувватлаб келганлар. Айнан ана шу фазилат Файбулло Олимовга ҳам хосдир.

Бундан ташқари, маҳалланинг кам таъминланган оилалари учун ҳам фермер ўз саховатини аямайди. Ўзи истиқомат қилаётган Самарқанд маҳалласининг турли-туман тадбирларида бошқош. Эзгу амалларда рафиқаси, олий тоифали инглиз тили муаллимаси Мақсуда Аҳмаджонова ҳам ундан қолишмайди. Муаллима бўш вақтларини тил ўрганишга аҳд қилган қишлоқ ёшларига бағишлаб келади.

Оиланинг тўнғич фарзанди Лутфулло Олимов чегарачи офицер, Алишер эса фермер хўжаликни бошқаряпти. Кичик укалари Анвар ҳарбий, Шаҳбоз эса шифокор бўлиш орзусида. Бу оиланинг яна бир ардоқли аъзоси – Рисолат ая. Файбулло Олимовнинг волидаи муҳтарамаси ҳам барча оналар каби фарзандларига соғлиқ, юртга тинчлик, хайр-барака тилаб турувчи дуогўй аёл.

Қаердаки шундай оналар бор экан, мурувват ва саховатни дилига жо қилган жўмард ўғлонлар бор экан, Ўзбекистон аталмиш жаннатмонанд юртдан тинчлик, хайру барака, меҳр-оқибат ҳеч қачон кўтарилмайди.

Ватан ҳимоясида ҳамиша огоҳ ва сергак хизматда бўлган юртнинг ўғлони унинг иқтисодий тараққиётида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани ҳаммамиз учун қувонарлидир. Истеъфодаги майор Файбулло Олимовнинг тадбиркорлик фаолияти янада ривож топишига биз ҳам тилакдошмиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

ЙИҒИН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм командирларининг ўринбосарлари иштирокида йиғин бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар бирлашган штаби бош бошқармаси масъул офицерлари, ҳарбий округлар ҳамда гарнизонлардан келган турли қўшин етакчиларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

Иштирокчилар дастлаб Нукус гарнизони офицерлар уйининг фаоллар залида йиғиндан кўзланган мақсад, бу борада кўзда тутилаётган режалар, янги ўзгариш ҳамда вазифалар юзасидан тегишли маърузалар тинглашди. Қатнашувчилар учун дастурга мос суратга олинган тегишли фильм намойиш этилди. Шундан кейин ўқув хоналари ҳамда бевосита жанговар машиналар сақланаётган паркларда машғулот давом эттирилди. Машғулот давомида қурол-яроғ ҳамда жанговар техникалардан тўғри фойдаланиш, уларни бекаму кўст сақлаш, таъмирлаш, мавсумга мослаштириш, кўчириш ва бошқа масалаларда йўл-йўриқлар кўрсатилди ҳамда бевосита амалиётда ҳам кўникмалар мустаҳкамланди. Йиғин давомида ўзаро тажрибалар алмашиб, билим ва кўникмаларини янада бойитган жанговар сардорлар зарур бўлган кўпгина билимларни эгаллашди. Айниқса, ҳали ёш ва тажрибаси кам офицерлар учун бундай тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Катта лейтенант
Ёшин ҲАКИМОВ.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

Прошло полчаса, и солдаты спецназа, минуя двор, осторожно подбирались к дому, а Ризвон, случайно увидев их из окна комнаты, равнодушно наблюдал за происходящим, желая быстрой развязки. Он посмотрел с неожиданным для себя отвращением на лежащую связку гранат и, взяв только одну, сделал несколько шагов к серванту, стоящему в углу комнаты, и отодвинул его в сторону. Перед ним был вход в подземный лаз, и уже через мгновение он захлопнул над своей головой его деревянную крышку, сливщуюся с основной частью пола. Сейчас он был в полной темноте, отделившей его от мира людей с их горем и счастьем, слезами и смехом, ложью и правдой. Окутавшая его темнота пахла сырой землей, но не той, дающей жизнь деревьям, цветам и травам и прячущей в своих недрах родники, а той, из которой душа человека однажды безропотно, и не оглядываясь назад, устремляется к небесному судилищу.

Сверху послышался стук каблуков солдатских сапог и голоса. Солдаты что-то возбужденно говорили друг другу, и он понял, что они не могут понять, куда он исчез. Эти голоса вдруг слились в единый гул, и ему казалось, что он, заполняя земляной лаз, вытесняет собой воздух. Тяжело дыша, Ризвон медленно прополз несколько метров и лег на спину, глядя широко открытыми глазами в темноту. Неожиданно прямо над ним прогремели долгие автоматные очереди, но пули, рассекая деревянный пол, не достигали его тела, укрытого толщей земли – даже это он воспринял с холодным равнодушием. Он вообще не испытывал никаких чувств, кроме одного желания произнести молитву, но именно это ему не удавалось – как и вчера, он не мог вспомнить ни одного слова из всех тех, которые в течение многих лет произносил десятки тысяч раз. Но теперь слова, тая в сознании, оставляли его один на один со страхом, подобным тому, который испытывает животное только раз в жизни, осознанно чувствующее необратимое приближение собственной смерти.

Он слышал, как солдаты, обнаружившие вход в лаз, откинули деревянную крышку, и сразу его слух разорвал грохот взрыва гранаты, той самой, которую он взял с собой. Неожиданно до его ускользающего сознания донесся шум бурлящей воды, в отличие от него стремящейся вырваться из-под земли на свободу. Он не чувствовал и леденящего холода первой волны, окатывающей его изрытое осколками гранаты тело и голову. Да и что могло чувствовать тело, провожающее душу, уносимую во мрак к молчащей истине, так и не подсказавшей ему слов земной молитвы, самой важной в жизни и самой нужной в эти последние мгновения. Наверное, истина устала слышать слова, слетающие с его губ, пожелав лишь одного – слышать их там, где все слова произносятся без тени лжи.

12. Предсмертные записи из дневника Ризвона:

«Сегодня я не решусь назвать то, чем я занимался все эти годы, борьбой. Я вообще сомневаюсь, вправе ли называть себя моджахедом – так, предводитель вооруженных мародеров, бродящих по областям республики в поисках денег и продовольствия.

Я вижу перед собой «пустоту», больше которой не могу сегодня иметь. И это говорю я, человек, мечтавший создать в Центральной Азии настоящую исламскую армию. Мне по-настоящему страшно от понимания происходящего, но признаться в этом я могу только самому себе – ведущий на смерть ради веры не должен вызывать сомнений – иначе идущие следом поймут, что их обманывают, призывая на смерть. Не удивительно, что я уже давно сомневаюсь в правильности своего понимания джихада. Ведь, по сути, я убиваю мусульман, читающих молитвы и признающих Аллаха. И убиваю только за то, что они не хотят, как я, жить в халифате. Так с кем я воюю, заставляя признать жизнь по заповедям Аллаха? Но вернуться к началу истинного пути я уже не могу – помня слова Корана: «Нет принуждения в религии», – я не знаю, будет ли Аллахом прощен мой кровавый путь к халифату.

Я все чаще вспоминаю странствующего муллу, с которым однажды познакомился в крошечной сельской мечети недалеко от Кабула. Последние десять лет он ходил по своей земле, читая людям молитвы и, как это ни странно, притчи. И если его молитвы успокаивали уставшие души людей, то притчи заставляли их думать:

– Я верить хочу, что Творец одинокий, Господь милосердный, владыка стихий

Однажды мне скажет: «Тебе, человек мой, под светом луны продиктую стихи.

Тебе продиктую я новые строки, чтоб вспомнили все, как Пророки мои

Веками давали народам уроки, сердца наполняя величьем любви.

Когда-то я людям дал Книгу святую. Что сделали с ней толкователи слов?

Одни обрели себе славу земную, слова превратив в назидание из снов.

Другие, «джихадом» себя прикрывая, погрязли в кровавых и грязных делах.

Но Я же «джихадом» к усердию взываю. Оружие ваше – лишь вера в сердцах.

Не дал я по Книге гнетущих законов, ведь нет принуждения в слове моем,

Ко мне подойдите без лживых поклонов, в слова мои веря и ночью и днем.

Я вижу, как Мною народы пугают. Любви Я хочу – зачем мне их страх,

От страха не любят, от страха теряют доверие ко мне со слезами в глазах.

Часы вам назначил для беседы со Мною – молитву в раздумьях надо творить.

Но многие в маске стоят предо Мною, под маской лукаво хотят согрешить.

Зачем вы кричите, что сердцем устали? В грехах вы устали пред дверью Моей.

Я в мире ином подведу всем итоги, дела ваши взвесив в истечении дней.

Вы чистой водой омываете тело! Но чем вы омоете сердце свое?

Слеза не поможет, ведь в ней много соли, слеза не бывает святою водой.

Я мир ваш наполнил всем видимым вами, лишь людям дав разум природу ценить.

Но вы, забывая, что созданы Мною, царями природы желаете быть.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

ОКУТАВШАЯ ЕГО ТЕМНОТА ПАХЛА СЫРОЙ ЗЕМЛЕЙ, НО НЕ ТОЙ, ДАЮЩЕЙ ЖИЗНЬ ДЕРЕВЬЯМ, ЦВЕТАМ И ТРАВАМ И ПРЯЧУЩЕЙ В СВОИХ НЕДРАХ РОДНИКИ, А ТОЙ, ИЗ КОТОРОЙ ДУША ЧЕЛОВЕКА ОДНАЖДЫ БЕЗРОПОТНО, И НЕ ОГЛЯДЫВАЯСЬ НАЗАД, УСТРЕМЛЯЕТСЯ К НЕБЕСНОМУ СУДИЛИЩУ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Новая волна беспорядков

С приближением первой годовщины беспорядков, прокатившихся в конце октября 2005 года по французским пригородам, «неблагополучным» кварталам страны угрожает новый виток насилия. Росту числа инцидентов даются различные объяснения. По мнению полицейских, за ними стоят «хулиганы». Но специалисты-социологи считают, что грань между «преступниками» и «честными» молодыми гражданами провести не так-то легко.

Дипломатия бессильна?

Западные СМИ обращают свое внимание на Северную Корею, которая планирует провести испытания атомной бомбы. Парадоксально, но при своем жутком стремлений к секретности режим фактически выдает свои ядерные планы на годы вперед, только что не крича о шагах по их осуществлению.

Ошибка экипажа

Экипаж ТУ-154, потерпевшего катастрофу под Донецком, завел самолет не просто в тяжелые, а в «экстремальные» погодные условия. К такому выводу пришли специалисты Санкт-Петербургского гидрометеорологического университета. Запрошенный у диспетчера эшелон 400, соответствующий примерно 12 тысячам метров, оказался роковым.

Информация проверяется

В результате спецоперации США в Ираке уничтожен главарь иракской ветви террористической организации «Аль-Каида» – «Каиды аль-джихад» – египтянин Абу Айюб аль-Масри, также известный под именем или псевдонимом Абу Хамза аль-Мухаджир, сообщает «Al-Jazeera». Аль-Масри занял место погибшего в июне в результате американской бомбардировки бывшего главы группировки Абу Мусаба аз-Заркави. «Al-Jazeera» ссылается на американское армейское командование.

«Boeing» впереди на 15 лет

После того как европейская авиастроительная компания «Airbus» объявила о том, что начало производства нового суперлайнера А-380 откладывается еще на год, компания может потерять до 8 млрд. долларов. В интервью «The Financial Times» Кристиан Штрайф заявил: «Мы должны догонять. Надеюсь, что через 15 лет мы снова обгоним «Boeing».

Снижение добычи нефти

Большинство стран – участниц нефтяного картеля ОПЕК недовольны стремительным снижением нефтяных цен и готовятся урезать свою добычу на 4%. Страны – участницы организации собираются поддержать мировую цену на нефть в районе 50–55 долларов. По данным FT, представители Кувейта, Ирана, Венесуэлы, Нигерии и Ливии достигли неформального согласия по вопросу снижения квот на добычу нефти. Это предложение собираются поддержать и Объединенные Арабские Эмираты.

Генерал отправлен в отставку

Командование армии обороны Израиля уволило в отставку генерал-майора Ифтаха Рон-Таля за публичную критику операции против ливанского шиитского движения «Хизбаллах». Он заявил, что с военной точки зрения эта операция окончилась поражением, и возложил ответственность за это на начальника генерального штаба генерал-лейтенанта Дана Халуца, сообщает «NEWSru Israel».

Итальянский филиал Эрмитажа

Итальянский филиал Государственного Эрмитажа разместится в городе Ферраре. Об этом говорится в опубликованном в Италии письме дирекции Санкт-Петербургского музея. Эрмитажный центр будет размещен в здании, считающемся символом Феррары – замке семейства герцогов д'Эсте, правивших в городе на протяжении XIII – XVI веков. Руководство Эрмитажа поблагодарило два других итальянских города – Мантую и Верону, предлагавших разместить у себя филиал музея, и выразило надежду на будущее сотрудничество с ними.

(www.NEWSru.com).

Солдат вернулся домой

НАСТОЯЩИЙ ЛИДЕР

Четко звучала клятва студента. Поставленный голос и умение держаться перед аудиторией выдавали человека с определенным жизненным опытом.

«Как присягу читает!..» – заметил один из первокурсников Ташкентского государственного авиационного института.

– Мы с Музаффаром вместе сдавали документы в институт, в одной аудитории держали экзамен, а сейчас учимся в одной группе, – сказал Баходир Арзиев. – Друг друга среди абитуриентов выделили безошибочно: армейская осанка в глаза бросилась. Подружились сразу, потому что нас связывает слишком много общего. То, что нам дала армия, ни с каким другим жизненным опытом и сравнивать нельзя.

Тохир Усманов, пришедший в ТГАИ со школьной скамьи, поделился:

– Хочу быть похожим на Музаффара. Он замечательный товарищ! Ко всем хорошо относится, умеет ладить с людьми. Человек высокой культуры.

Отабек Кабилжанов, заместитель декана факультета гражданской авиации, куратор группы 8-06 Экс., где учится бывший солдат Худайназаров, отметил:

– Лидерские качества Музаффар показал уже на практике. Дал я ребятам поручение и время на его выполнение. Сам закрутился, забыл. Смотрю: бегут докладывать. Справились отлично. Вообще те, кто отслужил срочную службу, выделяются среди первокурсников сразу. Они ведут себя уже по-взрослому. У них и отношение к учебе другое. Активны на занятиях, не отвлекаются на пустые разговоры.

Мирислам Ишонкулов, декан, дал юноше такую характеристику:

– Одного взгляда достаточно, чтобы понять: перед тобой настоящий лидер. Он не просто ведет за собой группу (я сам предложил его кандидатуру на должность старосты), это еще и последовательный борец за справедливость. Ложь и лицемерие не переносит ни в какой форме.

Сорок процентов отслуживших – на нашем факультете. Был бы рад, если б их было больше. С ними легче работать – это сформировавшиеся личности с устоявшимся мировоззрением, способные положительно влиять на окружающих. Возьмите хотя бы внешний вид: такие что попало на себя не наденут, косичку не отрастят, серьги в уши не вденут. У них есть чувство меры и правильное понятие о форме.

Музаффар Худайназаров о своей учебе в таком серьезном вузе говорит:

– Учиться вовсе не трудно. Внимательно слушаем объяснение, стараемся ничего не упускать. По-другому нельзя. Мы выбрали эксплуатацию авиационной и ракетно-космической техники, где ошибок быть не должно.

Будем выкладываться сами и подтягивать других. У меня все отлично. Знаю, что занимаюсь любимым делом. Любовь к технике всегда жила во мне, служба в армии ее укрепила и показала, что значит техника в добрых руках. Главное – приносить пользу своему народу, сначала отличной учебой, а потом самоотверженным трудом. Защищать Родину – это и трудиться не жалея сил.

Сегодня на сцене прозвучали слова: «Знания всегда вели к прогрессу человечества». И я хочу внести свой вклад. Сплоченностью группы, интересными делами, работой над какой-то конкретной темой...

●

Глядя на Музаффара, веришь, что у него и вправду все отлично. За короткий день успевает сделать многое. По армейской привычке о любом деле говорит: «Ставлю задачу – требую выполнения». Причем выполнения как от студентов группы, так и от самого себя. Пока быть вместе получается: на день рождения к товарищу – полным составом, на физвоспитание и в музей – тоже. Не ждет Музаффар, когда какая-нибудь проблема свалится старосте на голову. Подходит к преподавателям: «Какие есть для меня задачи?»

Людмила ПОЛОНСКАЯ.
(Газета «Молодежь Узбекистана» от 5 октября 2006 г.).



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида

ТОШКЕНТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Ўзбекистон – Ватаним маним!» шиори остида мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигига бағишлаб ватанпарварлик, экологик, санъат, спорт ва бошқа йўналишларни қамраб олган ёшлар лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

Унда республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳарларидан келган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила болалари учун Тошкент шаҳри бўйлаб уч кунлик саёҳат амалга оширилди.

– Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад, – дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ходимаси Дилнозахон Ирмуҳаммедова, – республикамиз вилоят, туман ва шаҳарларида яшаётган ёшларни истиқлол йилларида Тошкент шаҳрида барпо этилган осмонўпар бинолар, йўлларни бир-бирига боғлаб турган замонавий кўприклар, тарих ва санъат музейлари, истироҳат ва дам олиш боғлари, спорт иншоотлари, тарихий қадамжолари ҳамда бошқа янгидан-янги ўзгаришлар билан яқиндан таништириш. Уларнинг қалбида она юртга нисбатан муҳаббат, фахр ва ғурур ҳис-туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Саёҳатнинг биринчи кунини болалар Мустақиллик ва Эзгулик монументига гулчамбар қўйишдан бошлашди. Шу куннинг ўзидаёқ улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенат биноси, «Мотамсаро она» монументи, Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи давлат музейи каби пойтахтнинг тарихий жойларида бўлиб, Халқлар Дўстлиги саройида ўтказилган ўзбек эстрада юлдузи Лола Аҳмедованинг концертини томоша қилишди.

– Мен Тошкентга биринчи бор келишим, – дейди Жиззах вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ёдгора Ёқубова. – Республикамиз пойтахтида барпо этилган янги иншоотлар, кўркам дам олиш боғлари, спорт мажмуалари менда катта таассурот қолдирди. Бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимдан дўстлар орттирдим. Улар билан доим хат ёзишиб туришга келишиб олдик. Умуман, бизга қаратилаётган эътибордан бошимиз кўкка етди.

– Тошкент шаҳридаги бу гўзалликни, янгиланиш ва ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб, жуда ҳаяжонландим, ҳайратга тушдим, – дейди Қашқадарё вилоятидан келган Юсуф Шербобоев. – Бу саёҳат болаликдаги хотираларимда бир умр сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Саёҳатнинг иккинчи ва учинчи кунлари Тошкент телеминорасида, «Тошкентленд» мажмуасида, талабалар шаҳарчасида, Алишер Навоий номидаги маданият саройида, Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, болалар мароқли дам олишди. Саёҳатнинг охирги куни ёшлар республика Болалар ижодиёти марказида бўлдилар. Бу ерда улар тенгдошлари томонидан ишланган ранг-баранг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди, «Камолот» ва «Камалак» доим бирга бўлажак» мавзуида ўтказилган ўқув семинарида қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга масъул ходимлардан тегишли жавобларни олишди. Тошкент темир йўл вокзалида ўтказилган тантанали кузатиш маросимида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев ва ташкилот вакиллари томонидан болаларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, болаларнинг Тошкент саёҳати давомида туширилган суратлардан иборат альбом уларнинг ҳар бирига берилди. Болаларнинг юз-кўзларига қараб, ушбу саёҳат уларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирганини англадик. Бундай учрашув ва тадбирлар албатта, келажагимиз бўлмиш ёш авлоднинг қалбида Ватанга муҳаббат, халқига садоқат, самимий дўстлик каби инсоний туйғулар шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Аҳрор ОЧИЛОВ.

САФДОШЛАРИМНИ СОҒИНДИМ

Кунлар худди оқар сув каби шиддат билан ўтиб кетмоқда. Гўё кечагина аскарлик бурчимни ўтаб қайтгандекман. Шундай бўлса-да, беихтиёр қўлимга хизматдошларимнинг номлари, манзиллари ёзилган кичкина ён дафтарчамни олиб, уни бир-бир варақлар эканман, сафдошларим, командирларимни соғинганлигимни ич-ичимдан ҳис қилдим. Аслида аскарлик хизматини тамомлаганимга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ, лекин, хаёлан бўлса ҳам тез-тез қадрдон қисмимиз бўйлаб саёҳат қиламан. Ахир, илк маротаба ҳарбий қисмга кириб келганимиз, тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилганимиз, аскарлик либосида ота-онам ва яқинларимни кутиб олган онларим, хизматнинг иссиқ-совуғини бирга ўтказган сафдошларим, ғамхўр командирларимизни эсламай бўладими? Улардан олган сабоқларим мустақил ҳаёт йўлида ҳам кўп асқотмоқда.

Бугунги кунда ўзим ҳам Тошкент шаҳридаги Банк коллежида тарих фанидан талабаларга сабоқ берарканман, ўқитувчи, устоз бўлиш жуда шарафли касб эканига, жанговар машғулотларда бизга таълим-тарбия берган офицерларга осон бўлмаганига, азиз мураббийларимизнинг меҳнатлари машаққатга йўғрилганига қайта-қайта амин бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, устоз офицерлар – Фёдор Зайниев, Боймирза Каримов, Алишер Соттиев, Хайрулла Нисорматов, Шавкат Юлдашев, сержантлар – Ҳасан Қудратов, Фаттоҳ Абдумаликов, Шавкат Аҳмаджоновларга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Она Ватанимиз ҳимоя қилишдек мураккаб, олий ва шарафли касбларида доимо омад тилайман.

Ҳусанбой ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.



MC DAN – проект довольно известный в музыкальных кругах столицы – предстал на суд зрителей в новом свете.

Замена солиста, необычный стиль речитатива, сочетающий традиционные для этого музыкального направления элементы с национальными мотивами, абсолютно новый подход к работе... Недавно состоялась презентация нового альбома исполнителя. Обо всем этом мы и решили поподробнее расспросить у «обновленного» MC DANa.

– Проект претерпел большие изменения, однако они не затронули названия. С чем это связано?

– MC DAN – проект, успевший зарекомендовать себя временем. И это главное. У него есть своя публика, свои слушатели. Оставляя прежнее имя, мы тем самым отдаем им своеобразную дань. Да и зачем предавать забвению то, что успешно и любимо? MC DAN, несмотря на все эти превращения, по сути остается тем же, идет к тем же целям: отличное качество как музыки, так и текстов. Кстати, в названии есть свой особый смысл, но я его пока не раскрою. Те же, кто хочет узнать обо всем поподробнее, могут заглянуть на официальный сайт в интернете – www.mcdan.tn.uz.

– Расскажите поподробнее об альбоме.

– Что касается альбома, то названия пока не придумали, время для этого еще есть. Он тоже не совсем обычный. 22 композиции, среди которых есть и настоящие хиты, как, например, наша совместная песня с известной певицей Согдианой. Этот дуэт я считаю просто подарком судьбы!

Первые шаги на музыкальной сцене – и уже налицо большие успехи. На вопрос, как солисту это удается, MC DAN ответил загадочной улыбкой. «На самом деле все просто – у меня есть талисман... Моя девушка, Наргиза, которая всегда рядом и тем самым поддерживает меня во всех моих начинаниях. Все, что я делаю, все мое творчество – для нее. А еще своими советами, пониманием мне помогают мои родители и друзья, за что я им очень благодарен».

Помимо занятий любимым делом, MC DAN большое внимание уделяет своему образованию и спорту. Будучи студентом Ташкентского государственного института востоковедения, он активно занимается плаванием и кикбоксингом. «В общем, на месте не сижу», – утверждает наш герой.

Действительно, чего уж делать не стоит, так это попусту тратить наше драгоценное время. Всегда вперед, навстречу к новым открытиям, поставленным целям! И кто знает, может, на звездном небосклоне однажды зажжется и ваша звезда. Дерзайте.

Виктория АБДУРАХИМОВА.

«ЛИЦОМ К ЛИЦУ»

Человек, способный останавливать время, не нарушая общего течения жизни, отнюдь не мифический персонаж, он – фотограф.

Недавно в Ташкентском Доме фотографии открылась выставка «Лицом к лицу». Выставка показывает, что фотография – это та же картина, способная объяснить мысли художника не хуже, чем на холсте.

Здесь представлены творения мастеров, работающих в различных стилях и направлениях. Заинтересовала оригинальная идея Марины Богатыревой: она использовала в своих работах старые фотографии. Тем самым она до минимума стерла границу между живописью и светописью.

Вот фотоснимок, где среди гор виднеется маленькая мечеть. Или показан обычный воскресный день, который десятки лет назад не отличался ничем примечательным, а перед нами предстает в новом свете – наполненная движением фотография. Она погружает зрителя в особую атмосферу, манит к себе, говоря, что ничего не изменилось и в то же время все другое... Или портрет старика, который заглядывает глубоко внутрь тебя, улыбаясь. Непроизвольно губы растягиваются, отвечая улыбкой. Он как будто молодой, но его лицо уже изрезано морщинами... Или композиция «Чары парфюма», где несколько баночек окутано облаком. От этой фотографии веет чарующим ароматом, чувствуется атмосфера, создаваемая каждым из них.

Также запомнились работы Виктора Виткина. На склоне гор он запечатлел палитру красок, пронзающих своей красотой и естественностью.

Работы художников настолько многогранны, что каждый посетитель выставки может выделить близкую себе по духу работу.

Ольга КИРЬЯКОВА.

БУДУЩЕЕ В РУКАХ МОЛОДЕЖИ

На днях в Маргилане прошел молодежный форум, приуроченный к 2000-летнему юбилею одного из древнейших городов нашей страны. Организаторами данной программы выступили Центральный совет общественного движения молодежи «Камолот» и городской хокимият Маргилана. Инициаторы поставили перед собой такие цели, как воспитание молодого поколения в духе верности идеологии национальной независимости, формирование патриотизма и других благородных чувств.

Форум стал знаменательным еще и тем, что в его рамках был проведен ряд интересных мероприятий. К примеру, с целью пропаганды здорового образа жизни среди молодежи состоялись соревнования по различным видам спорта, которые прошли под девизом: «Будущее в руках молодежи». Победители состязаний получили от организаторов памятные подарки. Кроме того, была проведена религиозно-просветительская беседа на тему: «Наука и просвещение» с учениками школы № 2 и академического лицея.

Нужно сказать еще, что основная часть мероприятий прошла на сцене амфитеатра парка имени Маъмуржона Узакова, знаменитого певца-классика. Показательные выступления молодых спортсменов, литературные выступления детей дошкольного образовательного учреждения и школы одаренных детей создали праздничное настроение.

Участники форума посетили воспитанников 1-го городского детского дома и организовали ряд культурных мероприятий. Также участники проведали детей-инвалидов и вручили им подарки от ЦС ОДМ «Камолот».

В заключение можно сказать, что духовно обогатились и больше осознали всевозрастающую роль молодого поколения не только участники, но и те, с кем они непосредственно общались во время проведения форума.

Светлана КИМ.
Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

К 1000-летию Хорезмской академии Маъмуна

НОВОЕ ОБОРУДОВАНИЕ ДЛЯ ИССЛЕДОВАНИЙ

Накануне юбилея в Хорезмской академии Маъмуна установлено современное научное оборудование. Как считают специалисты, оно позволит значительно повысить потенциал этого уникального в своем роде регионального исследовательского центра.

Проводимое по инициативе главы нашего государства Ислама Каримова научно-техническое переоснащение Академии Маъмуна позволило создать здесь сразу три новые исследовательские лаборатории.

– Характерно, что с самого начала в них созданы практически все условия для комплексного изучения многих региональных проблем в сельском хозяйстве, экологии, медицине и смежных отраслях, а также в выработке рекомендаций для их решения, – сказал корреспонденту УзА принимавший участие в монтаже и наладке нового оборудования руководитель лаборатории Института генетики и экспериментальной биологии растений Академии наук Узбекистана Рустам Мухамедов. – Первая из новых лабораторий Академии Маъмуна располагает приборами, позволяющими проводить глубокие исследования качества выращиваемых в крае пшеницы, риса и других колосовых культур.

Оборудование другой лаборатории помогает определять физико-химические свойства различных биологических и других материалов, входящие в их состав микро- и макроэлементы, выявлять, например, наличие пестицидов, гербицидов, других токсичных веществ.

Уникальными приборами располагает и новая лаборатория ДНК-технологий. Некоторые из них не имеют аналогов не только в нашей стране, но и в других государствах Центральной Азии. Они позволяют определять генетические и физиологические свойства различных биологических материалов, в том числе осуществлять диагностику заболеваний растений, животных и даже человека, анализировать состояние и вырабатывать рекомендации для развития сельского хозяйства, улучшения санитарной и экологической обстановки.

По мнению сотрудников Академии Маъмуна, установленное здесь современное исследовательское оборудование, несомненно, станет мощным стимулом для образования здесь новых отечественных школ в различных отраслях фундаментальных и прикладных наук.

Тимур ШАМАКОВ, корр. УзА.

МОЯ НЕДЕЛЯ

Лочин МАРДИКАЮМОВ, исполнитель народных песен: «В этом году я стал участником конкурса «Самый великий, самый дорогой». Мне доставило огромное удовольствие прохождение всех этапов, и, хотя не удостоился мест на пьедестале, я не испытываю сожаления. Народное искусство живет в сердцах людей, и я стараюсь донести всю палитру чувств – в этом мое призвание, а не в наградах».

Мария ЗАБУГОРЦЕВА, студентка УзГУМЯ: «Недавно я попала на удивительный вечер – праздник детской сказки. Поэты и художники объединились, чтобы уже знакомые всем с малых лет истории переделать из прозы в стихотворения. Так появились поэмы о Красной Шапочке, Зумрад и Киммат, Аладдине, Коте в сапогах. Причем из любимых сказок не исчезла их суть – воспевание доброты, веры в правду, любовь и справедливость. Все это осталось, но прибавилось мелодичности несколько иного звучания. А вместе с необычными иллюстрациями получилось совсем здорово! Спасибо за такой подарок!»

Антонина РАЗБЕГАЕВА, преподаватель средней школы: «Самый любимый и радостный день для нас, педагогов, – это, конечно, День учителей и наставников. Так приятно, когда твои ученики – и бывшие и нынешние – приходят с цветами, с поздравлениями. Особенную гордость испытываешь, если видишь, что твой воспитанник добился немалых успехов в жизни, хорошо учится в университете или работает в престижной организации. Вот ради чего мы все трудимся – ради счастливого будущего наших ребят! Пусть они не знают никаких тревог, будут здоровы и удачливы!»

Алексей ЧОЛОКОВ, член интеллектуального клуба «Что? Где? Когда?»: «На днях сборная нашей республики по игре «Что? Где? Когда?» вернулась с чемпионата мира. В нынешнем году мы сыграли значительно лучше, чем в предыдущем, и показали все, на что способны. Мы вошли в десятку лучших команд планеты и очень этому рады. Нам удалось тесно пообщаться с «коллегами» по игре со всего мира, завязать новые отношения с интереснейшими людьми. Так что мы чувствуем себя победителями в плане обмена опытом и налаживания контактов. А главное – это все же участие!»

Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Шаҳноза Абдуллаева ҳамма замонавий қизлар каби компьютерда ишлашга, мусиқа тинглашга ва турли буюмлар тайёрлашга қизиқади. Бўш вақтларида мутолаа қилишни, хаёл суришни хуш кўради. Бундан ташқари, мазали таомлар пиширишга уста. Қизлар учун пазанда бўлишдан ортиқ неъмат борми?!

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ПРАЗДНИК ЧТЕНИЯ

В Национальной библиотеке Узбекистана имени Алишера Навои прошла читательская неделя "Мутолаа байрами – 2006".

В ее рамках состоялись выставка научной, политической, учебной литературы, праздники чтецов, презентация новых книг электронных ресурсов Национальной библиотеки, семинары-занятия для работников библиотек страны. Встречи с известными учеными, писателями и поэтами, беседы за «круглым столом», литературные вечера, мушоира, интеллектуальные состязания и викторины придали читательской неделе особую содержательность и интерес.

По словам руководителя молодежного центра Национальной библиотеки Узбекистана Л.Горбуновой, нынешний праздник чтения имеет важное значение для поддержки с помощью современных информационных технологий процесса регулярного самообразования читателей, оказания информационной службы населению на базе новых информационных технологий, в частности электронной базы данных, интернет-ресурсов.

Н.УСМАНОВА,
корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Инсонларга илм ўргатиш ниҳоятда савобли ва машаққатли ишдир. Шунинг учун ҳам устозларимизни доим ардоқлаймиз. Улардан миннатдор бўламиз, улуғлаймиз. Зулфия Юнусованинг қуйида келтирилган шеъри ҳам айнан устозларга бағишланган бўлиб, ўйлаймизки, у сизларга манзур бўлади.

ДАҲОЛАРНИНГ ТАЪЗИМИ СИЗГА

Устозим – умримни ёритган зиё,
Нурли чеҳрангиздан нур олар дунё.
Сиз замин қуёши ёғдулар аро,
Бу кун зиёларнинг таъзими Сизга.

Меҳрингиз тафтидан ҳаёт мунаввар,
Жон фидо онасиз, ҳам азиз падар.
Илму урфонингиз етган ой қадар,
Юксак фазоларнинг таъзими Сизга.

Сиз борки маърифат сўнмагай абад,
Ҳақиқат букилмас, мангу ҳуррият.
Муҳаббат яшайди, яшар шеърият,
Эзгу дунёларнинг таъзими Сизга.

Сизла жо айладим юртим фахрини,
Элим қудрати-ю, тилим қадрини,
Авлодим пок сақлар улуғ наслини,
Аҳли вафоларнинг таъзими Сизга.

Маъмурлик йўлида тинчимас жонсиз,
Юртнинг қудратини тутгувчи шонсиз.
Камолот баҳрида бағри уммонсиз,
Теран дарёларнинг таъзими Сизга.

Дунёни тебратар даъватларингиз,
Юртга мардлар берар заҳматларингиз.
Олиму ҳоқондир фарзандларингиз,
Улуғ даҳоларнинг таъзими Сизга.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

(бадиа)

Баҳор кунларида
қузнинг ҳавоси...
Абдулла ОРИПОВ

Ҳар бир фаслнинг ўз шукуҳи ва таровати борлиги рост. Ҳозир ўлкамизда меҳмон бўлиб турган олтин куз ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, баъзиларнинг ўз севган фасллари бўлади: кимдир шу фаслда таваллуд топган, кимдир унда ўзини жисман ва руҳан яхши, тетик ҳис қилса, бошқа биров эса севимли фаслидан ниманидир умидвор бўлиб кутади. Айнан мен учун ҳамма фасллар ҳам бирдай ардоқли – хоҳлаймизми-йўқми, уларнинг ҳар бири бизга берилган умр деб аталувчи мўъжизанинг чорак қисмини ташкил этади. Шундай экан, бир-биридан файзли фаслларнинг ҳар бирини эзгу ўй-хаёлларимиз ва ишларимиз билан янада тароватли қилишимиз мумкин. Шу маънода куз ўзига хос гўзал фасл ҳисобланади. Машҳур шоирнинг қуйидаги сатрлари табиат гўзаллигини қалбларимизга яқинлаштиргандай бўлади:

Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,
Боғларга чўкканда оқшомги туман,
Совуқ куз елидан жунжикиб, нари –
Очиқ айвон остин этганда маскан,
Дўстгинам, хаёлан қучаман сени,
Хазон даврасида кутаман сени.

– Дада, сиз яхши кўрган дарахт барглари сарғайибди, хазон бўлиб ёғяпти, – деди ўғлим.

Бу гапдан чуқур ўйга толаман. «Эрта-индин барглари бутунлай хазонга айланади, пойимизга тўкилади. Хазонлар, хазонлар... Ҳали амалга ошириб улгурмаган ишларим, армонларим хазон бўлиб ёғаётганга ўхшайди. Аммо тушкунликка берилмайман. Негаки, қалбимда баҳор умиди бор. Баҳор келади. Яхши кўрган дарахтимни гулларга буркайди. Армонларимга қайта ҳаёт бағишлайди».

Бу фаслда табиат гўё хаёлга чўмган мўйсафиддай чуқур тин олади, ариқ ва сойлардаги сувлар ҳам манзилига ошиқмаётган йўловчидай эринибгина секин оқади, кўчаларни тўлдириб юрган одамлар ҳам вазмин қадам ташлайдилар.

Унга бари бирдай ҳаёт ва ўлим,
Гўёки кекса чол сўнгини ўйлар.
Ва секин силкитиб қаҳрабо қўлин,
Кўрганин-билганин бирма-бир сўйлар.
Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен:
«Яшагину бироқ япроқ бўлма сен».

Ҳаммамиз яхши биладиган Исаак Ньютон «табиат бу – китоб, уни ақл кўзи билан ўқиш мумкин», деган эди. Менимча, табиатни қалб билан тинглаш мумкин.

Бунда бари гўзал: тим қора оқшом,
Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи.
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам
Совуқ ва ёқимли: шундоқ анвойи,
Уларга боқаман, тўнаман баъзан,
Ширин бир хаёлга чўмаман баъзан.

Ҳозирги замон фани биз кўриб ва ҳис қилиб турган дунёмиз учта энг муҳим нарса – модда, макон ва замондан иборат эканлигини уқтиради. Ундаги қолган барча нарсалар, ҳатто тириклик ҳам онийдир! Бир қўшиқда айтилганидек: «...ҳеч бир нарса абадий эмас». Модда ва макон ҳар биримизга тушунарли: уни ушлаб кўрамиз ва маълум бир меъёрлар билан ўлчаймиз. Лекин замонни-чи? Уни ушлаб бўладими? Тўғри, биз вақтни соатлар, дақиқалар, сониялар ва ҳатто сонияларнинг миллиондан бир бўлагигача аниқликда ўлчаймиз. Аммо бу ўта нисбий бўлиб, уни одамзоднинг ўзи ўйлаб топган. Кимдир узоқ умр кўрса-да, келажакка ҳеч нима қолдирмаслиги, ўзга бир инсон яшаб ўтган гўзал умр келгуси авлодлар хотирасида абадий яшаши мумкин-ку, ахир!

Вақтни ҳар ким турлича идрок қилади, зеро у – ўта мавҳум тушунча. Шахсан мен вақтни чопиб бораётган учқур от шаклида тасаввур қиламан. У фақат ва фақат олдинга (зеро, вақтни орқага қайтариб бўлмайди) қараб интилади. Унинг оддий отдан фарқи шунда. Шунинг учун ҳам вақтни оқар дарёга ўхшатсалар керак-да?!

Мангу яшилликнинг маскани қайда,
Қайдадир хазонни билмаган баҳор?
Нечун у ҳовлиқиб оққувчи сойда
Чавандоз умрнинг қайтмас сеҳри бор?
Нечун уйғонади қайтадан баҳор,
Нечун инсон умри бўлмагай такрор?

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.
(Давоми бор).

Маънавият сабоқлари

ШАЙХУЛ МАШОЙИХ

Маълумки, тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, Ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. У Шарқ мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётида чуқур илдиз отиб, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта таъсир ўтказган.

Тасаввуф таълимоти, Ҳазрат Навоий таърифлагандай, хилофу ихтилофи бўлмаган, риё ва манманлик, даъвою таъмани инкор этадиган бир таълимот, у инсон зийнати, тийнатини покловчи обиҳаёт саналади. Тасаввуф бир йўналишдаги таълимот бўлмай, балки унинг турли оқим ва мактаблари, тариқатлари мавжуд бўлган.

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилган, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланган, Тариқат, Маърифат, Ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмга оид қарашлар мажмуи тузилган – тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топган.

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Ҳаким Термизий, Мансур Халлож сингари машҳур шайхул машойих Жўнайд Бағдодийнинг ҳам хизмати беқиёс даражада катта бўлган.

Мавжуд манбаларнинг маълумот беришича, Жўнайд Бағдодий IX асрнинг 20-йилларида Бағдодда туғилиб, 910 йилда 91 ёшида вафот этган. У тасаввуфда жўнайдия тариқатига асос солган бўлиб, ўзининг маънавий камолоти, руҳий мукаммаллиги, юксак таълим-тарбияси билан Шарқда «Тож-ал-орифин», «Султон-ал-муҳаққиқин», «Устод-ал-тариқат» номи билан кенг шуҳрат қозонади.

Жўнайд Бағдодий ўз таълимотида Боязид Бистомийга қарши ўлароқ, мастлик – сукр ҳолатидан, ҳушёрлик – саҳвни устун қўяди. Унинг назарича, «сукра» йўли фақат соликнинг ўзига нажот келтиради. Сукрага кирган одамнинг ўзгаларга нафи тегмайди. Ҳолбуки, мақсад фақат ўзингни маърифатга етказиш эмас, балки бу маърифатдан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш, деб ҳисоблайди.

«Тасаввуф нима?» деган саволга Жўнайд Бағдодий: «Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир», – дея жавоб берган. Бу гапнинг тагида маъно кўп. Бир дам беғамлик бу – қалб осойишталиги, инсоннинг аслига етгандан кейинги тамкинли саодати, дунё ташвишлари, нафс қутқусидан озодлиги ва ҳоказоларни англатади. Шу билан бирга, бир дам беғам бўлиш ҳаддан зиёд тўполон-ғавғо қилмаслик, ҳаяжонланмасликни ҳам билдиради. Чунки Боязид сулукидагилар, айниқса, Мансур Халлож бетоқат бўлиб, ўз кашфларидан маст ўлароқ жони ичига сиғмай, фикрларини ошкора элга айтди. Бу эса яхши оқибатларга олиб келмасди, албатта. Тасаввуф моҳияти, ҳикматларини оммалаштириш хавфли, деб ҳисоблайди Жўнайд Бағдодий. Зеро, авом нозик маъноларни англашдан ожиз, нотўғри талқинлар пайдо бўлади ва иймон-эътиқодга путур етади. Шунинг учун бўлса керак, Жўнайд Бағдодий Мансур Халложни осиш тўғрисидаги фатвога ўзи ҳам қўл қўяди. Жўнайд Бағдодийнинг айтишича, ҳақиқий баҳо «саҳв» – ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. «Сакра»даги одам бамисоли денгизга шўнғиб ғарқ бўлган киши бўлса, «саҳв»га қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб чиққан ғаввосдир.

Дарҳақиқат, Жўнайд Бағдодий ўз таълимотида маърифатга етишнинг ҳушёрлик чегарасини белгилаб, бу маърифатдан бошқаларни ҳам хабардор қилиш, бошқаларга ҳам нафи тегадиган илму амалларга қўл уришни тарғиб қилади. Шу жиҳати билан у ахлоқий ва маърифий, ақлий ва руҳий дунёси мукаммал шайх сифатида мусулмон оламида ўзининг мустаҳкам ўрни ва боқий таълимотига эга бўлди. Буни ориф тўғрисидаги нақл ва ривоятлар ҳам тасдиқлаб турибди. Мазкур ривояту ҳикоятларда Жўнайд Бағдодийнинг маърифий олами, ахлоқий табиати, инсонийлик хислатлари, ақлни лол қолдирадиган кашфу кароматлари кенг ва қизиқарли ифода этилган.

Жумладан, Жўнайд Бағдодийнинг биродарпешалиги, дўсту ёронларини ҳурмату иззатда тутиши, сир сақлаш қобилияти, Устоз ва Пирни ҳар доим ўзидан устун кўриб, юксак эҳтиром этиши, юксак эътиқоди, амали, маърифатини барчага бирдек англатишга интилиши сингари сўфийлик фазилатлари, олий инсонийлик даражаси бу нақлларда ўзининг гўзал тажассумини топган.

Хуллас, Жўнайд Бағдодий Шарқ тафаккури фалсафасида, тасаввуф назариясида ахлоқий-маърифий мукаммал сиймо, кашфу кароматлар соҳиби бўлган шайхул машойих сифатида нихоят юксак даражани эгаллаган, жаҳоншумул аҳамият касб этган етук шахслардандир. Бундай шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини, руҳиятини, маънавий оламини ўрганиш, таҳлил ва тарғиб қилиш нафақат тасаввуф адабиётининг, умуман, маънавий маданиятнинг асосий вазифаси бўлиб, ҳар қандай даврда ҳам ўз долзарблигини, олий маънавий-маърифий моҳиятини сақлаб қолаверади.

Дилноза АШУРОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти.

УВАЖАЕМЫЙ ПОДПИСЧИК!

Республиканская подписная цена на газету «ВАТАНПАРВАР» по централизованной доставке определяется структурами АК «Матбуот таркатувчи» (Каталог цен на подписные издания) и устанавливается:

Регион	6 месяцев	12 месяцев
Республика Каракалпакстан	16.866 сумов	33.732 сума
г.Ташкент	12.690	25.380
Андижанская обл.	17.004	34.008
Бухарская обл.	16.050	32.100
Джизакская обл.	17.004	34.008
Кашкадарьинская обл.	16.800	33.600
Навоийская обл.	16.350	32.700
Наманганская обл.	15.762	31.524
Самаркандская обл.	16.596	33.192
Сурхандарьинская обл.	16.104	32.208
Сырдарьинская обл.	16.050	32.100
Ташкентская обл.	13.098	26.196
Ферганская обл.	17.004	34.008
Хорезмская обл.	17.004	34.008

Подписная (редакционная) цена на газету при условии доставки коллективным подписчикам по г.Ташкенту транспортом Информационно-издательского комплекса «ВАТАНПАРВАР» (при оформлении подписки не менее 100 экземпляров) будет составлять:
6 мес. – 10.868 сумов;
12 мес. – 21.736 сумов.
При условии самовывоза из редакции (по г. Ташкенту и в любой регион) подписная (редакционная) цена на газету будет составлять:
6 мес. – 9.880 сумов;
12 мес. – 19.760 сумов.
Подписной индекс газеты – 114.
Телефон для справок: 153 03 46.

В РЕСПУБЛИКЕ НАЧАЛАСЬ ПОДПИСКА НА ГАЗЕТУ «ВАТАНПАРВАР» НА 2007 ГОД.

Основной целью газеты, наряду с мерами по всемерному содействию укреплению боеготовности и мощи Вооруженных Сил страны, росту их авторитета, является пропаганда среди всех слоев населения страны, и особенно молодежи, духа патриотизма, преданности Родине и идеалам независимости государства.

Кўнгилга ташриф

Бир осмон остидамиз,
бир замин устидамиз,
Ҳар кунга меҳмонмиз-у,
бир-бирни қасдидамиз.
Эл ичра киммиз ўзи,
сўрдикми аслида биз,
Хас оёқ остидадир,
улуғин ўйлайди эл.

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Ватаннинг ҳассос куйчиси, «Муҳаббат шеваси», «Биз нечун учрашдик?», «Бармоқлар бодаси», «Ҳақни таниб», «Тўртликлар», «Сайланма» каби қатор шеърий тўпламлар ва ажойиб достонлар муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировнинг ўтли сатрлари сизиб кирмаган юрак камдан-кам топилади. Шоирнинг «Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик, Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик» деган шеърини бугун ўзбекнинг бўз боласи ҳам баралла айтмоқда. Унинг шеърларини куйга солиб қойилмақом қилиб ижро этаётган хонандаларимиз Юлдуз Усмонова, Салоҳиддин Азизбоев, Дилфуза Раҳимова, Ойбек Ҳамроқулов, Улуғбек Отажонов, Тошпўлат Маткаримов, Умида Мирҳамидова ва бошқаларнинг қўшиқлари аллақачон мухлислари кўнглини забт этган. «Бешикдаги боладир дунё, Бедорларга беринг дунёни» деган шоир Ватанни мадҳ этишда, унга омонлик сўрашда ҳамиша бедор ва ўқувчиларини ҳам шунга даъват этади.

Аҳли шуаро учун энг муқаддас саналган бу мавзуни шунчаки ёзиб ҳам, шунчаки ўқиб ҳам бўлмайди. Шеър ёзмайдиган оддий одам ҳам Ватан ҳақида жимгина гапиролмайди, ахир. Инсон инсон экан-ку, ҳатто жонивор ҳам ўз гўшасига талпинади. «... Ким ажратгай тирноғини этидан, Энтиккан юракнинг титроғи Ватан», «Кўрдим, кўзларидан соғинчлар оққан, Осмонингни ўпиб келар турналар» ёки «Ватансиз валийлар ҳам яшаган кўнгли кемтик» деганида шоир нималарни назарда тутди экан? Ватандан олисда она юртини қўмсаб, соғинч ўтида яшаётганлар ёки ватангадолик жандасини эгнига илиб, оҳу фиғон чекаётганларними? Ватанига хиёнат қилиб, номнишонсиз кетаётганларними? Юртдан олислаган кишилар ўз Ватани, туғилган юрти, қишлоғи тўғрисида бирор кишига ҳикоя қила бошласа, кўзлари чақнаб кетади, энг азиз нарсасини топгандек ич-ичдан ҳаловат топади. Туғилган юртнинг оҳанрабоси чексиз, унинг сеҳри беқиёс.

«Сенда унган ҳар бир гиёҳ яратганга сано айтар», дея ёниб куйлаган шоир ана шу гиёҳларнинг ҳам, «кўкка етган тераклар ҳам куни битса сенга қайтар»ини ҳам моҳирона чизиб берар экан, жилоланиб, оловланиб, сатрдан сатрга бойиб ва улуғлашиб бораётган сўзлардан шеър ихлосманди бўйнига дур осади. «Чимдимгина лойинг билан қалдирғоч бешик белади, Бу дунёнинг ҳайратини, Момо ерим, ўзинг бердинг» дея кўксимиздаги ҳайрат чўғини алангалантиради. Ватансиз кишидан ғариб ким бор? Кишининг ифтихори аввало Ватанидир. «Аввал Ватан – кейин жон», буни ўз жисму жонимизга, шууримизга сингдирсак, бизнинг юзимиз ёруғ, толеимиз баланд бўлиши, шубҳасиз.

Ватанга қанча ҳамду сано битмайлик, барибир камлик қилаверади, чунки уриб турган юрак борки, севимли шоиримиз Маҳмуд Тоировнинг аллақачон таниқли санъаткорлар томонидан ўлмас қўшиқларга айланиб улгурган жонтортар, жонбахш сатрларини кўзга суради, қалб тубига жойлайди. Келинг, яхшиси, шоиримизнинг Ватан ҳақидаги салмоқли фикрларига қулоқ тутайлик.

– Ватанни севиш Яратганни севишдек гап. Чунки бу дунёда она Ердаги жамики гўзаллик Худойим томонидан инсон учун яратилган. Бизнинг эл-улус олдидаги, Ватан олдидаги бурчимиз эса бор нарсани, масалан, истеъмол қилиб турганимиз жами нозу неъматларни, гуркираб ўсаётган парваришталаб ниҳолларни, гўзалликнинг жамики белгиларини пайҳон қилмасдан, аксинча асраб-авайлашни, қадрлашни ўрганишдир. Ватан тупроғига қадам қўймоқчи бўлган ёмон ниятли ёвуз куч менинг жисмим орқали ўтсагина ўтади, деган туйғу ҳар биримизда бўлиши керак. Ҳар бир инсон Ватан ҳимоячисига айланса, унинг шаъни учун яшаса соз. Тинчликни асраш ўз жонини асрашдек шарафли ишдир. Ватан аввало бизнинг уйимиздан бошланади. Уйимизни ҳар қандай тўфондан, балодан асрагандек асрамоғимиз лозим уни! Бу дунёда Ватандан ташқарида бахт йўқ. Магарки, эр киши тиз чўкса, тупроғига тиз чўкса ярашади. Ёт элларда ватангадо бўлиб қорнининг қулиға айланган, қалбан тиз чўкиб юрганлар кўп. Ўшандайларнинг аксариятини бугун виждон азоби қийнамоқда.

Умуман гўзалликни асраш одам хотиржамлигини, тинчлигини мустаҳкамлайди. Болалар табассумини асраган одамнинг Яратганнинг олдида, виждони олдида юзи ёруғ яшайди. Дунёда миллат кўп, халқ кўп, лекин Яратган наздида ҳаммаси битта – Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандларидир улар, инсониятнинг орзуси эса тинч ва тотув яшашдир. Лекин бировнинг тинчини кўролмаётган ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас. Бу дунё яхшиларнинг ҳисобига омондир. Ёвузлик доим мағлуб бўлган. Ёвузликнинг пайини қирқиш учун ҳам биз бир сафда Ватанни асрашимиз ва қабиҳ ниятли кишиларни енгишимиз учун қалбан пок, яхши ниятли эканлигимизга, ўзимизнинг эзгулик тарғиботчиси эканлигимизга ишонч ҳосил қилишимиз даркор. Ўз жонимизни эл-юрт тинчлиги йўлида тикишга тайёр туришга чоғлашимиз керак. Ҳеч ким Ватан бобида бошқаларга устоз бўлолмайди.

Бугун минг шукрки, Ватанимиз сарҳадлари каби оналаримизнинг алласи ҳам осуда. Болалар тонгда табассум билан уйғонаётган бўлса, бунда албатта Ватанимизнинг ҳушёр қўриқчиларининг улкан ҳиссалари бор. Шу боис уларнинг омонлигини сўраб яшаймиз. Юрт таянчларининг бошлари омон бўлсин, уларни ҳушёрлик, мардлик сира-сира тарк этмасин.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Театральный сезон

ДЛЯ ДУШИ...

Театр музыкальной драмы и комедии (оперетты) недавно представил ташкентскому зрителю новую свою постановку – оперетту «Холопка».

Эта история впервые была рассказана еще в двадцатые годы прошлого столетия. Она выдержала самый серьезный экзамен – экзамен временем. Уже более 70 лет оперетта с неизменным успехом идет на сценах многих музыкальных театров стран Содружества.

История спектакля – это времена правления Павла I. Это рассказ о судьбе главных героев музыкального повествования – Андрея Туманского и его возлюбленной, французской актрисы Виолетты Леблан. Но это еще и история о жизни обычного крепостного человека и о том, как она зависела от власть имущих.

Яркое, красочное действо разворачивается на сцене театра. Граф Кутайсов, которого великолепно, ярко и броско сыграл И. Бухаидзе, почти весь спектакль пытается доказать всем его окружающим, что он и только он должен быть всегда в центре внимания. Этот великий циник с большим удовольствием воспользовался бедственным положением гордого гусара Никиты Батурина, выкупил все имущество и вместе с ним – театр, принадлежавший еще его отцу, князю Батурину. Надо заметить, что в те времена это было довольно частое явление. Потом история закрутилась невероятным образом. Из Парижа вернулся Андрей Туманский – гордый молодой юноша, влюбившийся во французскую актрису, который, кстати сказать, тоже отошел во владение графу Кутайсову по закону. Дворовый человек вместе со своей возлюбленной Поленькой – крепостной актрисой театра все того же Кутайсова – постоянно помогают Андрею признаться в любви француженке Виолетте Леблан. Однако он не может сделать этого. Ведь графу дана клятва в обмен на свободу. Граф решил использовать Виолетту, формально выдав замуж по своему желанию за молодого князя Андрея, не зная, однако, что именно его и любит она. Но тут слуга графа докладывает всю правду, и опять события разворачиваются не в пользу Андрея. Не видать ему ни вольной, ни Виолетты, и ничего, «о чем мечталось ранее». Сбегает князь Андрей Туманский, признавшись Виолетте в том, что именно он еще во Франции спас ее от грязных бандитов и безумно влюблен в нее, однако время и обстоятельства не позволяют сбыться их мечтам.

Эта оперетта особенно дорога всему коллективу театра и заслуженному артисту Узбекистана – режиссеру-постановщику Владимиру Баграмову. Говоря о своем творении, он заметил, что давно хотелось «покопаться» в истории.

Эналида ТЯН.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП ● ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ

Парашют спорти

БЕШИНЧИ ЧЕМПИОНАТ – БЕШИНЧИ ДОВОН

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар посбонларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъмин этмоқда. Негаки, жисмонан, маънан баркамол посбонни енгиб бўлмайди. Уларнинг жанговар шайликлари юксак бўлади. Ким учун, нима учун хизмат қилаётганликларини юракдан англашади.

Ҳарбийларимиз ўртасида ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари уларнинг жанговар шайликлари ортишида муҳим мезон бўлмоқда. Яқинда Шарқий ҳарбий округда бошланган парашют спорти бўйича Қуролли Кучларимиз бешинчи чемпионати ҳам шулар жумласидан. Мусобақа Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси вакили, парашют спорти бўйича спорт устаси подполковник Амрилло Сайфиевнинг парашют билан сакраш машқидан бошланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур машқ 30 секунд ичида индивидуал акробатика ёрдамида парашют билан ерга тушишни қамраб олади.

– Мусобақа юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтмоқда. Жамоалар ўртасида беллашувлар қизғин кечмоқда. Очиқ чемпионат бўлгани учун унда ҳарбийлардан ташқари фуқаровий жамоалар ҳам иштирок этяпти. Андижон авиаспорт клуби, Тошкент миллий авиаспорт клуби, Зарафшоннинг «Зардан» жамоалари шулар сирасидан, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул ходими офицер А.Качедыков.

Шунингдек, парашют спорти бўйича ўтказилаётган ушбу чемпионатда Тошкент ҳарбий округининг «Чимён» жамоаси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси, Ҳарбий ҳаво кучларининг «Вираж», «Кондор» жамоалари, майор Л.Бузруков хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг икки жамоаси иштирок этяпти.

Айтиб ўтиш жоизки, чемпионат парашют спорти бўйича Қуролли Кучлар терма жамоасини шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бешинчи чемпионат – бешинчи довонни забт этишимизга, демакки, маҳорат, матонат, чаққонлик, абжирлик янада шаклланишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Бой за шахматную корону

Счет в матче стал 4:3 в пользу Крамника. В Элисте состоялась седьмая партия матча за мировую шахматную корону между российским гроссмейстером Владимиром Крамником и его болгарским оппонентом Веселином Топаловым. Согласно новому расписанию турнира в восьмой партии матча белыми фигурами будет играть россиянин. По регламенту соперникам предстоит сыграть 12 партий с классическим контролем времени. Объединительный поединок за звание чемпиона мира, проведение которого неоднократно срывалось в предыдущие годы, шахматные специалисты уже окрестили «матчем века». Призовой фонд – 1 миллион долларов США, причем согласно регламенту участники гарантированно получат «чистыми» (не подлежащими налогообложению) по 500 тысяч долларов вне зависимости от итогов.

Хопкинс мечтает стать спасителем

Бывший абсолютный чемпион мира в среднем весе Бернард Хопкинс не оставляет мыслей встретиться с чемпионом WBC Олегом Маскаевым и, победив его, стать спасителем американского супертяжелого веса. В своем недавнем интервью «Philadelphia Daily News» Хопкинс заявил, что уже обсудил этот гипотетический поединок с руководством телеканала HBO и Всемирного боксерского совета, которое проявило большой интерес к этому бою, сообщает «AllBoxing». Хопкинс планирует провести этот поединок не раньше июня следующего года, и существует вероятность, что к тому времени Олег Маскаев потеряет свой титул, так как 10 декабря ему предстоит бой с Питером Охелло в Москве, а затем обязательная защита титула против победителя матча-реванша между Джеймсом Тони и Сэмюэлом Питером.

«Севилья» во главе списка

Международная федерация футбольной истории и статистики (ИФФХС) опубликовала рейтинг ведущих клубов планеты. Теперь его возглавляет испанская «Севилья», которая опередила другой клуб из Испании – «Барселону». Рейтинг клубов вычисляется на основе результатов, показанных ими за календарный год. «Севилья» за это время успела выиграть Кубок и Суперкубок УЕФА, причем в борьбе за последний была повержена как раз «Барселона», напоминает РИА Новости. В первой десятке рейтинга: «Барселона» (Испания), «Милан» (Италия), «Ливерпуль» (Англия), «Арсенал» (Англия), «Марсель» (Франция), «Рапид» (Румыния), «Рома» (Италия), «Лион» (Франция), «Интер» (Италия).

«Королевские гонки» придут в Южную Корею

Южная Корея примет один из этапов чемпионата мира по автогонкам в классе болидов «Формула-1» с 2010 года. Глава «Королевских гонок» Берни Экклстоун и Парк Чжун Ён, губернатор южнокорейской провинции Южная Чолла, где будет построена новая трасса, объявили, что в результате соглашения, «Формула-1» придет в одну из ведущих стран–экспортеров автомобилей. Строительство новой трассы протяженностью 5,45 километра обойдется в 250 миллиардов вон ($264 миллиона). Последнее время Берни Экклстоун старается выйти на новые рынки. Так, в прошлом году впервые прошел этап Гран-при в Турции, а в 2004-м «Формула-1» дебютировала в Китае и Бахрейне.

Самбо. Чемпионат мира

«ЖАР» АПЛОДИРУЕТ АТЛЕТАМ

Как уже сообщалось, в столичном спорткомплексе «Жар» прошел чемпионат мира по боевому самбо и чемпионат мира среди мастеров борьбы самбо.

Начнем со второго раздела, так как поединки среди ветеранов прошли чуть раньше. Победители определялись в шести возрастах по семи весовым категориям. Отрадно, что мастера самбо из Узбекистана смогли подтвердить свой высокий класс. На пьедестале почета мы вновь увидели таких титулованных атлетов, как Леонид Адиянов, Ориф Маъмуров, Фатхулла Азимов, Талгат Яппаров, Алексей Левчик, Михаил Алиев и многих других.

Приятно сообщить, что корреспондент газеты «Ватанпарвар» майор Хайритдин Зайнилов стал бронзовым призером чемпионата мира в своем возрасте и в весе до 62 кг. Поздравляем своего коллегу!

На чемпионате по боевому самбо чемпионами мира стали россияне Боир Вантилов, Дмитрий Симаков, Игорь Исайкин, Дамба Радняев, Алексей Гагарин, Александр Емельяненко, Сани Хуу Орманбатар из Монголии, наш земляк Эльдор Гуломов, а также Дмитрий Заболотный из Кыргызстана. «Серебро» в активе наших борцов Отабека Олимова (52 кг), Кодира Султонова (57 кг), Сунната Илесова (74 кг), Самада Рустамова (свыше 100 кг).

Наш корр.

Вольная борьба

БРАВО, АРТУР!

Продолжает радовать поклонников вольной борьбы Узбекистана наш супертяжеловес Артур Таймазов. Победитель Олимпийских игр в Афинах вновь стал сильнейшим на чемпионате мира, прошедшем в китайском городе Гуанчжоу. В честь его победы звучал Государственный гимн нашей Родины и поднимался ввысь Государственный флаг Республики Узбекистан.

На пути к финалу в весе свыше 120 килограммов узбекистанский борец без особого труда одолел своих соперников. И наконец, в финальном поединке против него не устоял россиянин Курамагомед Курамагомедов. Так Артур вновь подтвердил, что на сегодня ему нет равных борцов на планете.

Добавим, что из борцов вольного стиля Узбекистана обладателями бронзовых наград чемпионата мира стали Сослан Тигиев (74 кг) и Зурбек Сохиев (84 кг).

«Tashkent open-2006»

ПРАЗДНИК ТЕННИСА В СТОЛИЦЕ

В столице проходит традиционный теннисный турнир среди женщин «Tashkent open-2006» серии WTA-tour с призовым фондом в 145 тысяч долларов США. В нем наши надежды связаны в основном с победительницей этого турнира 2000 года Иродой Туляганово́й.

В состязаниях участвуют спортсменки таких «теннисных» держав, как Россия, Франция, Великобритания, Италия. Наряду с ними за победу спорят также представительницы Канады, Китая, Индии, Швейцарии, Таиланда, Украины, Чехии, Беларуси, Хорватии, Венгрии. Напомним, что «Tashkent open» впервые был проведен в 1996 году, а в 1999 году включен в календарь турниров WTA.

Ирода Туляганова и Акгуль Аманмурадова в качестве хозяек турнира начали состязания в основной сетке. В первом круге Ирода одержала победу над Анастасией Якимовой из Беларуси, а Акгуль, к сожалению, уступила таиландке Тамарин Танасугар. Игравшие в отборочном туре наши спортсменки в основной пробиться не смогли. Так что болеем за Ироду Туляганову и радуемся празднику тенниса в столице. Победительница же турнира определится 8 октября.

Соб инф.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, А. КАМАЛОВ,
Ё. ҲАКИМОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2878. Адади 23150.